O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 18-noyabr № 137 (2862) payshanba

# «ЎРТА ОСИЁНИНГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ: УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

*Муҳтарам конференция қатнашчилари!*

*Сиз, ҳурматли меҳмонларимизни — халқаро экология ташкилотларининг обрўли вакилларини, олимлар, таҳлилчилар ва экспертларни самимий қутлашга ва «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирокингиз учун чин дилдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.*

*Дунё янги минг йиллик бўсағасида ер юзининг турли ҳудудларида инсон ҳаёти ва фаолиятига, ҳайвонот ва наботот оламига хавф солаётган фавқулодда табиий ўзгаришлар билан боғлиқ мисли кўрилмаган муаммо ҳамда таҳдидларга дуч келди.*

*Афсуски, бундай таҳдидлар Ўрта Осиёда ҳам кескин тус олмоқда. Бу ерда ўтган асрнинг иккинчи ярмида йирик трансчегаравий дарёлардан оқибатини ўйламай фойдаланиш, экологик жиҳатдан зарарли саноат объектларини қуриш ишлари минтақамизни экологик фалокат ёқасига олиб келди.*

*Қуриб бораётган Орол денгизи фожиаси бунинг яққол далили бўла олади. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод кўз ўнгида қуриб бораётган сув ҳавзасига айланди. Унинг саҳрога айланган туби аҳоли саломатлиги ва генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда, қишлоқ хўжалик ерлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг таназзулига сабаб бўлмоқда.*

*Бугунги кунда барчамизнинг олдимизда ғоят муҳим вазифа турибди. Бу — табиатни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш, уни бизнинг минтақамиз ва бошқа минтақалар аҳолисининг турмуш шароити ва табиатдан фойдаланиш имкониятларини янада мураккаблаштирадиган янги хавфли лойиҳалардан асрашдан иборатдир.*

*Шу муносабат билан Ўзбекистонда оммавий Экологик ҳаракатни ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилди. Мазкур ҳаракат халқимизнинг орзу-умидларини ҳисобга олиб, табиатни асраб-авайлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида халқаро экологик ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.*

*Экология, атроф-муҳит мусаффолиги учун курашиш — Ер юзидаги барча мамлакатлар ва халқлар учун бирдек дахлдор эканини эътиборга олган ҳолда, биз бу борада тобора кенг кўлам ва ранг-баранг шакл касб этиб бораётган мазкур ҳамкорлик ўта муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.*

*Ушбу анжуманда нуфузли ва тажрибали экология ташкилотлари, экспертлар, таҳлилчилар билан ҳамкорликда, БМТнинг тегишли Конвенцияларига амал қилган ҳолда, бизнинг минтақамизни Ўрта Осиё минтақаси доирасидан кенгроқ доираларга чиқиб кетадиган ва ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган янги хавфли лойиҳалар амалга оширилишининг олдини олишга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилади, деб ишонаман.*

*Сизларнинг таклифларингиз ва овозингиз бугунги ва келажак авлодларни экологик ҳалокатли ҳудудда яшашдек оғир қисматдан ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайдиган халқаро молия институтлари, ташкилотлар ва бошқа манфаатдор тузилмалар томонидан эътиборга олинишига ишончим комил.*

*Конференция самарали ўтишини, унинг барча қатнашчиларига муҳим ва хайрли фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

18 ноябр — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

## Юрт байроғини шарафлаб...



*Бугун 18 ноябр. Миллий ифтихоримиз, Давлат рамзи бўлган байроғимиз қабул қилинганлигига 19 йил тўлди. Озод юртнинг фарзандлари бўлмиш спортчиларимиз ҳам бу санага ўзларининг ажойиб ғалабалари билан қадам қўйдилар. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилди. Айни дақиқаларда туйған фахримиз кўнглимизни тоғдай кўтарди, мағрур ҳилпираган байроғимиз эса дилларимизни яшнатди.*

*Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида давом этаётган XVI Осиё ўйинларида иштирок этаётган спортчиларимиз ўзларининг ажойиб натижалари билан барчамизни хушнуд этишда давом этмоқдалар. Куни кеча олтин медалсиз қайтиши юздан бирда, деб баҳоланаётган дзюдочимиз, жаҳон чемпиони Ришод Собиров ўзига билдирилган ишончни оқлади.*

*(Давоми 14-бетда)*

## ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ЕЧИМЛАР

**Бугун атроф-муҳитни асраб-авайлаш, мавжуд трансчегаравий муаммоларни самарали бартараф этиш орқали экологик барқарорликни таъминлаш инсоният олдида турган муҳим вазифалардандир. Зеро, ушбу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, XXI асрда барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. Тошкентда бўлиб ўтган «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» халқаро конференцияси айнан шу мавзуга бағишланди.**

**Анжуманда Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Испания, Италия, Канада, Хитой, Жанубий Корея, Голландия, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Швейцария, Япония каби 30 мамлакатдан экспертлар, олимлар, экологлар, БМТ, ЕХҲТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон банки, Жаҳон ёввойи табиат фонди, Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи каби 60 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ва молия институтларидан вакиллар қатнашди.**

Конференцияни Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш, айниқса, аномал иқлим ўзгариши шароитида тараққиётни, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим аҳамият касб этади, деди анжуманда сўзга чиққан ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссия бош котиби М.Гопалакришнан. Айни пайтда у сув ресурсларидан фойдаланиш масаласига фақат гидроэнергетика нуқтаи назаридан ёндашмаслик зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрича, Ўрта Осиё каби мураккаб минтақаларда кичик энергетика иншоотларидан фойдаланиш талабларга кўпроқ мос келади. Орол фожиаси улкан энергетика иншоотларини қуриш қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб кўришга ундайди.

М.Гопалакришнан мамлакатимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилгани, шунингдек, мамлакатимиз сайлов қонунчилигига экологларга парламентда квоталанган ўрин эгаллаш имконини берган ўзгартишлар киритилганини юқори баҳолади.

Унинг фикрича, экологик, айниқса, трансчегаравий муаммоларни ҳал этиш учун очиқ мулоқот зарур. Ўзбекистонда ўтказилган ушбу халқаро конференция бундай ёндашувга яхши мисол бўла олади.

Форумда Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов маъруза қилди.

***(Давоми 2-3-бетларда)***

Ishonch 2010-yil 18-noyabr
№ 137 (2862)

# ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ЕЧИМЛАР

*(Боши 1-бетда)*

У Ўрта Осиё минтақасидаги кўплаб трансчегаравий экологик муаммолар илгари оқибатини ўйламасдан хўжалик юритишнинг натижаси эканига эътиборни қаратди. Бундай муаммолар, биринчи навбатда, кейинги вақтда глобал аҳамият касб этиб бораётган Орол инқирозининг оқибати, Орол денгизи ҳавзасида жойлашган баъзи давлатлар томонидан бошқа мамлакатлар манфаатларини эътиборга олмасдан улкан гидроиншоотларни қуриш лойиҳаларини амалга оширишга уриниш бўлаётгани, шунингдек, «Тожикистон алюминий компанияси» корхонасининг фаолияти билан боғлиқдир. Мазкур завод 35 йилдан буён Ўзбекистоннинг жанубий туманлари табиатига, аҳолисининг саломатлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта зарар етказмоқда.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда мустақиллик йилларида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, мамлакатимиз ва бутун минтақамизда экологик вазиятни яхшилашга катта эътибор қаратиб келинаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу борада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро нормаларга мос ҳуқуқий база яратилган, мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари рўёбга чиқарилаётир. Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида БМТнинг энг муҳим конвенциялари ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилган ва бу борада ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни изчиллик билан бажармоқда.

Нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётган бу йўналишдаги ишлар Президент Ислом Каримов томонидан инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, унинг қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида юритилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг муҳим қисми ҳисобланади, деди Нью-Йорк давлат университети профессори Парвиз Морвиж (АҚШ). Ўтган йили глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил қилгани ушбу сиёсат самарадорлигининг ёрқин тасдиғидир. Бугун Ўзбекистон ҳам иқтисодий, ҳам экологик вазифаларни ҳал этиш борасида кўплаб давлатларга намуна бўлмоқда.

П.Морвиж барча мамлакатлар бир-бирининг экологик манфаатларини эътиборга олиши лозимлигини таъкидлади. У бир мамлакат саноат объектларини қурар экан, бундан қўшни мамлакатлар аҳолиси азият чекишига асло йўл қўйиб бўлмаслигига эътибор қаратди.

Австриянинг «Бизнес, маданият, спорт» журнали муҳаррири Манфред Тихи минтақанинг барча мамлакатлари БМТнинг Трансчегаравий сув оқимлари бўйича тегишли конвенцияларига риоя қилиши лозимлигини таъкидлади.

У конференция қатнашчиларининг Оролбўйига сафари чоғида сув ресурсларидан ноoқилона фойдаланиш қисқа вақт ичида қандай экологик ҳалокат ва одамларнинг азият чекишига олиб келганига гувоҳ бўлганини маълум қилди.

— Роғун ГЭСи бир мамлакатнинг бошқа давлатга зарар етказган ҳолда лойиҳани амалга оширишга уринишига яққол мисол бўлади. Бундан 30-40 йил аввал, дабдабавозлик ҳукм сурган советлар даврида ишлаб чиқилган, экологик ва техноген хавфсизлик талабларига мутлақо жавоб бермайдиган мазкур лойиҳани амалга ошириш мумкин эмас, — деди М.Тихи.



Маърузачи ушбу лойиҳани баҳолаш Австрия каби тоғли мамлакатларда бундай улкан тўғонларни барпо этиш ўта хавфли эканини кўрсатганини, боз устига мазкур ҳудуд сейсмик жиҳатдан ҳам хавфлилигини қайд этди.

М.Тихи Европанинг тоғли мамлакатлари кам чиқимли ва иқтисодий жиҳатдан фойдали, энг муҳими, хавфсиз кичик ГЭСларни қуриш тўғрисида қарор қабул қилгани ва буни бошқа шундай минтақаларга ҳам тавсия этаётганини таъкидлади.

Хорижий экспертлар ўз маърузаларида экологик масалаларнинг кескинлиги ва муҳимлигига жаҳон ҳамжамияти эътиборини биринчи бўлиб айнан Ўзбекистон раҳбари қаратганини алоҳида таъкидладилар. Чунки, ушбу муаммоларнинг аксарияти аллақачон минтақавий доирадан чиқиб, глобал хусусият касб этган. Буни, жумладан, Оролбўйида юзага келган мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар мисолида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз Ислом Каримов олий даражадаги халқаро учрашувларда жаҳон ҳамжамиятини нафақат экологик вазиятни яхшилаш, балки келажак авлодлар ҳаёти учун қулай муҳит ҳамда шарт-шароит яратиш мақсадида саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга, комплекс чоралар кўришга даъват этиб келади. Юртбошимиз ташаббуси билан бу борада Нукус ва Тошкент декларациялари қабул қилинди, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди, ушбу мавзу бўйича бир қатор йирик халқаро анжуманлар ўтказилди. Президентимиз 2009 йилнинг апрел ойида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашувида мазкур жамғарма доирасида Орол денгизи ҳавзаси минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурининг навбатдаги учинчи босқичи концепциясини илгари сурди.

Конференция қатнашчилари тадбирда муҳокама қилинадиган муаммолар нечоғлик жиддий эканига ишонч ҳосил қилдилар. Форум арафасида уларнинг бир гуруҳи Орол инқирози зонасидаги Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва Мўйноқ туманида бўлиб, Орол денгизи қуришининг фожиали оқибатларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Иштирокчиларнинг иккинчи гуруҳи эса Тожикистон алюминий заводининг заҳарли чиқиндилари аҳолиси ва иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманини бориб кўрди. Бу ердаги экотизимнинг антропоген бузилишининг одамлар саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот оламига кўрсатаётган ҳалокатли таъсири, ерларнинг емирилишига сабаб бўлаётгани ва, умуман, гуманитар фалокат хавфини юзага келтираётган оқибатлари анжуман қатнашчиларини даҳшатга солди. Бундан ташқари, анжуман бошланишидан олдин экологик ҳалокат зоналари – Оролбўйи ва Сурхондарё ҳудудидан олинган фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Илгари ер юзидаги энг йирик ички сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизининг ҳажми бугун 13 баравар, майдони 7 баравар қисқарди, сув сатҳи 26 метр пасайди, баъзи жойларда сув шўрланиши бир литрда қарийб 280 граммни ташкил этмоқда. Денгизнинг қуриб қолган тубида 5 миллион гектардан зиёд майдонни эгаллаган янги Оролқум чўли пайдо бўлди. Кўплаб кичик кўллар ҳам қуриди. Ҳар йили юз миллион тоннагача туз аралаш чанг-тўзон атмосферага кўтарилмоқда. Оролбўйида ўсимлик ва ҳайвонот олами генофондининг ярмидан кўпи йўқолди, уларнинг кўплаб турлари «Қизил китоб»га киритилган. Мазкур салбий жараёнлар ер ресурсларининг яроқсиз ҳолга келишига сабаб бўлмоқда, аҳолининг турмуш шароитини ёмонлаштирмоқда, Оролбўйини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни мураккаблаштирмоқда.

БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг атроф-муҳит масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчиси Бо Либерт таъкидлаганидек, буларнинг барчаси иқтисодий ривожланишда илгари табиий ресурслардан назоратсиз фойдаланишнинг оқибатидир.

— Табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳар қандай фаолият аҳоли, экология ва табиатга зарар етказмаслик принципларига асосланиши лозим, — деди Бо Либерт.

Бугун Ўзбекистон ривожланиш масалаларини комплекс равишда ҳал этиш самарадорлигини амалда намойиш қилмоқда, БМТнинг экология соҳасидаги конвенцияларини амалга оширишда ҳам фаол иштирок этаётир. Кўплаб халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Жаҳон банки бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда, сув ресурсларини бошқариш соҳасида ҳам йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Анжуманда Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош туманларида ҳам мураккаб экологик вазият кузатилаётгани қайд этилди. Бу ерга шамол, ерости ва ерусти сувлари орқали «Тожикистон алюминий компанияси» корхонаси чиқараётган юз тонналаб заҳарли моддалар тарқалмоқда. Айниқса, фторли водород оксиди, олтингугурт оксиди, азот оксиди ва углерод оксиди каби чиқиндилар инсон саломатлиги, ўсимлик ва ҳайвонот олами учун ниҳоятда хавфлидир. Ўзбекистоннинг жанубий туманларидаги атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига етказилган зарар юз миллионлаб АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. 1994 йилда Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсири зонасида экологик аҳволни яхшилаш бўйича ҳамкорликка оид Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлараро битими имзоланган эди. Бироқ, бу борада режалаштирилган кўплаб тадбирлар бажарилмади. Заводда қўлланилаётган технологиялар аллақачон эскирган, бир қатор тозалаш иншоотлари ишламайди. Шунга қарамасдан, корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Демак, заҳарли чиқиндилар чиқарилиши ҳам кўпаяди — дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, йилига 21,7 тоннадан 32 тоннагача ошади.

Конференцияда қатнашган хорижий экспертлар трансчегаравий Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида янги, йирик гидроэнергетика иншоотларини, биринчи навбатда, Роғун ГЭСини қуриш лойиҳалари ҳам Ўрта Осиёнинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатига ҳалокатли таъсир ўтказади, деган умумий фикрни билдирдилар. Айрим давлатларнинг амалдаги халқаро нормаларни бузган ҳолда, минтақадаги бошқа мамлакатлар манфаатларини эътиборга олмай, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга интилиши катта ташвиш уйғотаётгани қайд этилди. Халқаро тажриба ва илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бундай қурилишлар фавқулодда хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай хатти-ҳаракатлар Орол денгизи ҳавзасида экологик инқирозни кучайтирибгина қолмасдан, техноген ва гуманитар ҳалокатларга ҳам олиб келиши, бепоён ҳудудларни миллионлаб одамларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга солиши муқаррар.

Шу боис, Банкларга оид ахборот маркази ижрочи директори Чад Добсон (АҚШ) анжуман қатнашчилари эътиборини кенг кўламли гидроэнергетик лойиҳаларни битта давлат манфаатлари ёки экологик жиҳатдан зарарли алоҳида ишлаб чиқариш учун эмас, балки минтақанинг барча аҳолиси манфаати ва унинг фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга ошириш зарурлигига қаратди.

— Баъзида халқаро молия институтлари тушунчаларни чалкаштириб юборади, — деди у. — Ҳолбуки, электр энергетика объектлари янги ва зарарли алюминий ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш учун эмас, балки, биринчи галда, аҳолининг муҳим эҳтиёжларини қондириш, шу жумладан, уни электр энергияси билан барқарор таъминлаш учун хизмат қилиши керак.

Унинг фикрича, Жаҳон банки, бошқа молия ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиши, уларнинг фикрини эътиборга олиши ва аҳолининг катта қисми бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаганидан кейингина қарор қабул қилиши лозим. Барча манфаатдор томонлар бундай гидроиншоотларни қуриш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда иштирок этиш имконига эга бўлиши даркор. Эксперт шуни қатъий таъкидладики, бу борада амалга ошириладиган жараёнларнинг ошкоралигини таъминлаш учун ушбу масалалар юзасидан кенг кўламли очиқ маслаҳатлашувлар ўтказиш зарур.

Бугун амалга оширилиши режалаштирилаётган гидроэнергетика лойиҳалари қарийб эллик йил аввал ишлаб чиқилган бўлиб, аллақачон эскирган. Уларда қурилиш кўзда тутилаётган бу ҳудудларнинг юқори сейсмик хавфи — ушбу кўрсаткич Рихтер шкаласи бўйича 9 баллгача, бу ерда юз берадиган кўчки ва сел келиш жараёнлари ҳисобга олинмаган. Ҳолбуки, сўнгги 110 йил мобайнида бу ерда 20 дан ортиқ кучли зилзила қайд этилган. Жаҳон амалиётида ҳали бу каби ҳудудларда улкан гидроиншоотлар қурилиши кузатилмаган. Масалан, Тожикистондаги Роғун ГЭСида баландлиги 335 метрлик тўғон қуриш кўзда тутилмоқда. Ҳолбуки, дунёда ҳали бундай тўғон йўқ. Мабодо тўғон ўпирилгудек бўлса, бошланғич нуқтада сув тўлқинининг баландлиги 250 метрдан ошади, Роғун ГЭСидан 1,5 минг километр узоқда жойлашган Қорақалпоғистонда эса 6-7 метрга етади. Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳудудидаги 1,5 миллион гектар майдон, 700 дан ортиқ аҳоли пункти сув остида қолади. Шуни унутмаслик керакки, ушбу ҳудудларда қарийб 5 миллион аҳоли истиқомат қилади.

*(Давоми 3-бетда)*

# Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

**Пойтахтимизда 16-17 ноябр кунлари «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. ЎзА мухбирлари анжуман иштирокчиларидан айримларининг фикрлари билан қизиқди.**

**Парвиз МОРВИЖ, «Глобал илмий нашриётлар» маркази директори, Нью-Йорк давлат университети фалсафа ва ижтимоий фанлар профессори (АҚШ):**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йилнинг сентябр ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида қайд этилган Ўрта Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги таклиф ва ташаббуслари жаҳонда кенг қўллаб-қуввватланмоқда.

«Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзуидаги халқаро конференция жуда долзарб муаммоларга бағишлангани билан аҳамиятлидир. Чунки бугун Ўрта Осиё минтақасидаги экология муаммолари бутун дунё аҳлига дахлдордир. Ўзбекистонда ана шундай муҳим халқаро анжуман ташкил этилгани ғоят одилона иш бўлди. Мамлакатингизда Оролбўйидаги экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш борасида катта ишлар амалга оширилаётир. Глобал миқёс касб этаётган мазкур экологик муаммолар оқибатларини енгиллаштириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозим.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида Экологик ҳаракат ташкил этилиши ва унга Олий Мажлис қуйи палатасида 15 депутатлик ўрни берилиши мамлакатингизда экологик вазиятни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотларга ёрқин мисолдир. Барча жабҳада бўлганидек, экология соҳасида ҳам табиат билан инсон муносабатларини тартибга солишда қонунлар муҳим ўрин тутади. Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар келгусида бу борадаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга, иқтисодий механизмларни ривожлантиришга муносиб улуш қўшади, деб ўйлайман.

**Радомир МАЛИШ, «Progressive Technology» компанияси директори (Чехия):**

— «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзуидаги халқаро конференция доирасида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги экологик вазиятни бориб кўриш имконига эга бўлдик. Тўғрисини айтсам, Тожикистон алюминий заводи чиқараётган зарарли чиқинди ва заҳарли газлар ушбу ҳудудга, атроф-муҳитга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига, энг ачинарлиси, аҳоли саломатлигига катта зарар етказаётганини кўриб, даҳшатга тушдим. Буларнинг барчаси, аввало, мазкур заводдаги технологиялар жуда эскириб кетгани туфайлидир. Фикримча, алюминий корхонаси ишлаб чиқаришда фойдаланаётган асбоб-ускуналар ва технологияларни зудлик билан янгилаши зарур. Бу атроф-муҳитга етказилаётган зарарни муайян миқдорда камайтириш имконини бериши мумкин. Ўзбекистоннинг бу муаммони ҳал этиш йўлида амалга ошираётган изчил чора-тадбирлари, жумладан, халқаро ҳамжамият эътиборини мазкур экологик таҳдидни бартараф этиш масаласига жалб этиш борасидаги ишлари жуда тўғридир.

Биз Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда Оролбўйи минтақасидаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва унинг сифатини оширишга қаратилган лойиҳа устида иш олиб боряпмиз.

**Радха ДСУЗА хоним, Лондондаги Вестминстер университети профессори (Буюк Британия):**

— Оролбўйига, хусусан, Мўйноқ туманига бориб, у ердаги вазият билан бевосита танишдик. Бир пайтлар дунёдаги гўзал денгизлардан ҳисобланган Орол соҳилларининг «Кемалар қабристони»га айланганини жуда ачинарли ҳолдир. Дарҳақиқат, бугун Орол муаммоси олам дардига айланган. Бундай экологик офатларнинг олдини олиш, катта ҳудудни эгаллаган ҳавзада истиқомат қилувчи аҳолининг яхши яшаши, меҳнат қилиши учун ҳар биримиз қайғуришимиз, амалий ҳаракат қилишимиз лозим. Табиатдан фойдаланиш — уни барбод қилиш эмас, балки у билан уйғунликда яшаш демакдир.

Сафаримиз давомида Ўзбекистон Экологик ҳаракати Орол муаммоларини бартараф этиш ва унинг оқибатларини енгиллаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётганига гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистоннинг бой маданияти, урф-одат ва қадриятлари, миллий анъаналари менда унутилмас таассурот қолдирди.

**Бэлла КРАСНОЯРОВА, Россия Фанлар академиясининг Сув ва экологик муаммолар институти бош илмий ходими, география фанлари доктори:**

— Бугунги кунда экологик муаммолар нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун долзарб масалага айланган. «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзуидаги халқаро конференциянинг ташкил этилиши жуда фойдали иш бўлди.

Тожикистон алюминий заводида жуда эски технологиядан фойдаланилаётгани оқибатида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани аҳолиси ҳар томонлама жиддий зарар кўраётганига гувоҳ бўлдик. Туманнинг нафақат экологияси бузилган, балки унинг иқтисодиётига ҳам катта путур етган. Ўзбекистон мазкур муаммони бартараф этиш борасида улкан ва адолатли ишларни амалга оширяётир. Ушбу ҳудуддаги вазиятни барқарорлаштиришга халқаро ҳамжамиятни кенг жалб этиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонга ташрифимиз давомида мамлакатингизнинг чекка қишлоқларида ҳам барпо этилган замонавий коллеж ва лицейларни кўриб, чин дилдан ҳавасим келди. Ўзбекистон раҳбариятининг ёш авлоднинг пухта билим олиши борасида кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги мени ғоят қувонтирди.

**ЎзА мухбирлари Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди**

---

# ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ЕЧИМЛАР

***(Боши 1-2-бетларда)***

Ҳатто, энг қулай вазиятда ҳам Роғун ГЭСининг кўзда тутилаётган энергетик режимда ишлаши Амударё қуйи қисмида яшаётган кўп миллионли аҳоли турмуш шароитининг кескин ёмонлашувига олиб келади. Дарёда сувнинг минераллашуви икки баравар ортади, вегетация даврида унинг оқими анча камаяди. Ҳисоб-китобларга кўра, қишлоқ хўжалик экинлари, аралаш қайта ишлаш тармоқлари ва балиқ ресурсларининг нобудгарчилиги туфайли кўриладиган зарар 5 йил ичида қарийб 20,6 миллиард долларни ташкил этади.

Шу муносабат билан конференцияда электр энергиясини Роғун ГЭСидаги каби миқдорда, нисбатан хавфсиз, аммо бир неча баравар арзон кичик ГЭСларни қуриш йўли билан ҳам олиш мумкинлиги қайд этилди. Президент Ислом Каримов жорий йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитидаги нутқида гидроэнергетикани ривожлантиришга бу тарзда ёндашиш оқилона йўл бўлишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари трансчегаравий дарёларда гидроиншоотлар қуриш бўйича ҳар қандай лойиҳа ушбу дарёлар ҳажми ва оқими бузилмаслиги ҳамда минтақада экологик вазият ёмонлашмаслигини кафолатлайдиган халқаро мустақил экспертиза натижаларига асосланиши лозимлигига бир неча бор эътибор қаратган эди.

Конференцияда минтақанинг барча давлатлари ушбу соҳада амалда бўлган халқаро нормаларга қатъий риоя қилиши лозим, деган хулосага келинди. БМТнинг Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш, Халқаро сув оқимларидан фойдаланишнинг кема юрмайдиган шакллари ҳуқуқига оид конвенциялари, Халқаро дарёлар сувидан фойдаланишнинг Хельсинки Қоидалари, Гидроэлектр энергиясини ишлаб чиқаришнинг бошқа давлатларга таъсирига доир Женева Конвенцияси ва ушбу соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга мувофиқ, бундай гидроэнергетика иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш шартлари трансчегаравий дарёлар ҳавзасида жойлашган барча давлатлар билан келишилиши шарт.

Конференция доирасида ўтказилган мавзуга оид сессияларда Ўрта Осиё атроф-муҳитининг трансчегаравий ифлосланиши, сув ресурсларини биргаликда бошқариш орқали трансчегаравий ҳамкорликни яхшилаш, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, экологияси ёмон минтақаларда биохилма-хилликни сақлаш, Орол минтақасида иқлим ўзгариши, йирик саноат ишлаб чиқаришларнинг атроф-муҳитга таъсири каби муаммолар ҳамда бошқа қатор долзарб экологик масалалар муҳокама этилди.

Анжуман қатнашчилари Ўрта Осиё минтақасидаги мавжуд асосий трансчегаравий экологик муаммоларни муҳокама қилиб, уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ устувор аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар, ўз мамлакатларида ушбу механизмни амалда қўллаш тажрибаси билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Ҳамроев, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Н.Умаров, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг раҳбари В.Чуб, «Гидролойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти директори С.Жигарёв (Ўзбекистон), Япония Сув форуми маслаҳатчиси Казуши Хашимото, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳаво сифатини бошқариш ва унинг ифлосланишини назорат қилиш бўйича ҳамкорлик маркази мутахассиси Ханс Гвидо Мекке, АҚШнинг Олбани университети профессори Дэвид Карпентер ва бошқалар ўз чиқишларида шу ҳақда гапирдилар.

Конференция якунлари бўйича Тошкент экология декларацияси қабул қилинди. Унда минтақа давлатлари трансчегаравий дарёлар оқимида жойлашган бошқа давлатларга зарар етказмаслик учун бундай дарёлардан фойдаланишнинг асосий принциплари белгиланган асосий халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига мувофиқ трансчегаравий ҳамкорликка риоя қилиши лозимлиги қайд этилган. Ўрта Осиёнинг трансчегаравий дарёлари юқори қисмида ҳар қандай йирик гидроиншоотни минтақанинг барча давлатлари аҳолисиниг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ошкора асосда амалга ошириладиган мустақил халқаро техник ва экологик экспертиза ўтказиш орқали қуриш тавсия этилди. Декларацияда, шунингдек, халқаро молия институтлари ва ташкилотларнинг барпо этилиши кўзда тутилаётган лойиҳалар таъсири зонасида жойлашган барча мамлакатларнинг фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик ва очиқ мулоқот қилиш орқали минтақадаги экологик барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозимлиги таъкидланган. Конференцияда қабул қилинган мазкур ҳужжатда халқаро экология ташкилотларининг тавсияларига биноан нисбатан хавфсиз ва анча тежамкор бўлган кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш, шунингдек, экологик хавфсиз қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш ҳар томонлама мақбул бўлиши таъкидланган. Анжуман қатнашчилари алюминий корхонаси зарарли чиқиндилари миқдорини халқаро нормалардан ошмаслигини таъминлаш учун зарур чоралар кўришни тавсия этди.

Декларацияда Ўрта Осиё мамлакатларининг энг муҳим экологик вазифалари ҳам белгиланган. Трансчегаравий дарёлар оқимининг ҳажми ва режимини сунъий камайтиришга йўл қўймаслик, экологик ҳалокат зонасида чўлланиш даражасининг кенгайиши ва ерларнинг шўрланишини тўхтатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, кичик бизнес, биринчи навбатда, кам сув сарфлашни талаб қиладиган саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳисобидан ушбу зонада аҳоли бандлик даражасини ҳамда даромадини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш шулар жумласидандир.

Конференция қатнашчилари мамлакатлар ҳукуматлари ва халқаро ташкилотларни трансчегаравий экологик муаммоларни ҳал этиш ва экологик хавфларни камайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чақирдилар. Улар, шунингдек, халқаро экологик ташкилотлар Ўзбекистон экологик ҳаракатини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятида қўллаб-қувватлашлари лозимлигини таъкидладилар.

Буларнинг барчаси трансчегаравий табиий ресурслардан фойдаланиш муаммоларини янада оқилона ҳал этиш, минтақанинг турли мамлакатларини ижтимоий-иқтисодий ва экологик уйғун ривожланишини таъминлаш имконини беради. Зеро, ҳеч кимнинг бошқаларга ва келажак авлод учун асраб-авайлашимиз лозим бўлган табиатга зарар етказиш орқали ўз эҳтиёжларини қондиришга ҳаққи йўқ.

**(ЎзА)**

Ishonch 2010-yil 18-noyabr № 137 (2862)

18 ноябр — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

# Ифтихорим, ғурурим байроқ

Мактабимизда давлатимиз рамзларидан бири — Ўзбекистон байроғига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Мактаб ҳовлисида бошланган тадбир фаоллар залида давом этди.

Юракларни ларзага келтириб мадҳиямиз янгради. Аълочи ўқувчилар томонидан кўтарилган байроқ қуёшли кунда янада чиройли, яна ҳам салобатли кўринарди. Ҳамма ҳаяжонда, нигоҳлар тепага кўтарилаётган қадрдон байроғимизга қадалган. Само узра ҳилпираётган байроқни кузатарканмиз, юрагимиз титраб, туйғуларимиз жунбушга келади. Синфдошларимга қарайман, кўзлари ғурурдан, ифтихордан чақнайди. Шунда яна бир карра давлатимиз байроғи мустақиллигимиз рамзи, давлатимиз белгиси бўлиши билан бирга, биз ёшларнинг ор-номусимиз, фахр-ифтихоримиз, ўзлигимиз, қувончу бахтиёрлигимиз тимсоли эканлигига ишонч ҳосил қиламан.

Миллат учун энг муҳими — давлат байроғидир. Она Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, ўз рамзларига эга бўлди. Давлат байроғи халқнинг мустақиллиги ва халқаро ҳурматга эга эканлигини билдиради.

Шу куни юқори синф ўқувчилари «Камолот» ЁИҲ, бошланғич синф ўқувчилари «Камалак» ташкилотига аъзо бўлишди. Биринчи синф ўқувчилари қўлларида кичкина байроқчалар билан байроқ ранглари, ундаги белгиларни таърифлаб, шеърлар айтишди. Ҳар бир ўқувчи байроқни ўпиб, кўзига суртди ва ўз ватанига, муқаддас байроғига содиқ қолишга, уни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга қасамёд қилди.

Мен ҳам баралла овоз билан «Осмонинг тинч, байроғинг баланд бўлсин, Ўзбекистоним! Токи, биз ёшлар унда бахтиёр яшайлик, шундай азиз ватанга содиқ бўлайлик!» деб хитоб қилдим.

**Ирода СОБИРОВА,**
**Хоразм вилояти,**
**Хива тумани**
**17-мактабнинг 9-синф ўқувчиси**

**«Ўзэкспомарказ»да 17 ноябр куни «Автомобил ва бутловчи қисмлар – Auto&Parts Uzbekistan», «Транспорт ва Логистика – TransUzbekistan», «Йўл қурилиши ва коммунал техника – UzComak» ва «Кимё саноати – Chemie Uzbekistan», «Пластмасса саноати – Plastex Uzbekistan» кўргазмалари очилди.**

Ушбу кўргазмаларда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Германия, Франция, Сингапур, Эрон, Латвия, Литва, АҚШ, Польша, Украина каби йигирмага яқин мамлакатдан етмишдан зиёд фирма ва компания иштирок этмоқда.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**




## Обуна — 2011

***Юртимизда матбуот нашрларига обуна жараёни давом этмоқда. Кимлардир соҳасига доир даврий нашрларга қизиқиш билдирса, бошқалар кенг миқёсли газеталарга ёзилмоқда.***

# Энг фаол обуначи

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг нашри бўлмиш «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари мухлислари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Газеталар кейинги йилларда ҳар жиҳатдан янги қиёфада намоён бўлаяпти.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши ҳамда туман, шаҳар кенгашлари ҳар йили 1000 дан ортиқ нусхада обуна ташкил этиб, «Ishonch» газетасининг энг фаол обуначиларига айланишди.

Бу йилги мавсумда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши келишган ҳолда «Энг фаол обуначи» танловини жорий этди. Танлов шартларига кўра обуна жараёнида энг фаол иштирок этган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

— Обуна мавсумини ноябр ойи охиригача якунлаш ниятидамиз, — дейди кенгаш раиси С.Саидхўжаев. — Ҳозиргача биргина «Ishonch» газетасига йиллик 700 нусхада обуна бўлдик. Режада 1000 та обуна ташкил этишни кўзлаяпмиз. Бу борада Бувайда, Данғара, Ўзбекистон, Қўштепа, Тошлоқ, Қува туманлари ҳамда Марғилон ва Қўқон шаҳарлари касаба уюшма кенгашлари фаоллик кўрсатмоқда.

**Дилором ҒАФУРОВА,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши етакчи мутахассиси**

## Меҳнатдан қадр топаётганлар



***Унинг умри далада ўтди. Ғаллаорол туманидаги Д.Йўлдошев номли жамоа хўжалигида звено бошлиғи, бригадир, ҳисобчи каби вазифаларда хизмат қилди. 2004 йилда «Усмон ота Оқназаров» фермер хўжалигини ташкил этди. Дастлаб ишни юритиш осон кечгани йўқ, аммо сира бўш келмади. Кечани кеча, кундузни кундуз демай изланди, меҳнат қилди. Сархил мева ва деҳқончилик экинлари етиштиришнинг тоза ҳадисини олди. Пировардида, хўжаликни юксалтириб оёққа қўйди.***

# Соф фойда уч миллион сўмдан ошди

Иш фаолияти давомида оралиқ экинларни парваришлаб, мўл ва сара ҳосил етиштириш борасида бой тажриба тўплади. Жамоасида мустаҳкам интизом ўрнатди. Ишчиларга ҳар жиҳатдан қулай шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилди. Ҳар бир юмушни ўз вақтида сифатли бажариб, сувдан, техникадан ва маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланди. Соҳиба Оқназарова, Азиза Усмонова, Шукрулла Шодмонов, Улуғбек Мелибоев ва шунинг каби қатор ишчилар унинг суянган тоғларига айланишди.

Айни чоғда Муҳаббат Оқназарова бошлиқ фермер хўжалиги жамоаси ҳар қачонгидан-да унумлироқ меҳнат қилаётир. Мавжуд 10 гектар майдондаги олма, нок, олхўри каби меваларданрежа белгиланганидан 3 тоннадан зиёд ҳосил олинди. Боғдаги оралиқ экинлари — помидор, лавлаги ва ловия етиштириш режаси ҳам ошиғи билан уддаланди. Шунингдек, бир гектар майдонда тутзор барпо этилди. Ҳар қути пилладан 75 килограмм ўрнига 80 килограмдан, жами 300 килограмм «кумуш тола» етиштирилди. Натижада, соф фойда 3 млн. сўмдан ошди.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**

## Сирдарё томонларда

# Муносиб рағбатлантирилди

Мирзаобод туманида 34 та умумтаълим мактаби, 17 та мактабгача, 4 та мактабдан ташқари муассаса бўлиб, уларда 2100 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Таълим ва фан ходимлари туман бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Устоз-мураббийларнинг самарали меҳнатини муносиб тақдирлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ишлари қўмитанинг устувор вазифасига айланган. Яқинда соҳага меҳнати сингган 55 нафар халқ таълими фахрийсига қўмитанинг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, юбилей ёшларини нишонлаган 5 нафар соҳа ходими ҳам қўмита томонидан муносиб тақдирланди.

# Гулистон гиламлари

Тадбиркор Нормурод Туробов Гулистон шаҳрида «Миташ-Карпет» корхонасини ташкил этиб, хориж технологияси ёрдамида бежирим гиламлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Янги корхонанинг ишга тушиши 20 нафар маҳаллий ёшни иш билан таъминлади. Корхонада айни кунда 6 минг квадрат метр ҳажмда гилам тўқиляпти. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг бежирим ва сифатлилиги туфайли уларга талаб ошиб бормоқда.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

# Диққат: ёнғин хавфсизлиги ойлиги!

***Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фаслида иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ёнғин хавфининг ошишига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги фармойишига асосан 15 ноябрдан 15 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.***

Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — иқтисодиёт тармоқлари объектларида ва аҳоли турар-жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали унинг олдини олиш, юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этишдир.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки давлат ва шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

## Конституциянинг 18 йиллиги олдидан

# Бахт қонуни битилган китоб




Конституциямизда жамоат бирлашмалари орасида кенг қамровли ва нуфузли ташкилот — касаба уюшмаларининг алоҳида эътироф этилиши бежиз эмас. Бу муносабат Ўзбекистонда «Касаба уюшмалари ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг мавжудлиги билан ҳам изоҳланади. Федерация таркибига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастури эса бу йўлда дастуруламал бўлаётир.

Кенгашимиз миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига алоҳида эътибор билан ёндашмоқда. Хусусан, 2007-2010 йиллар орасида иш берувчилар билан ҳамкорликда 64 маротаба ўқув семинари ўтказилиб, 2100 нафарга яқин касаба уюшма фаоллари, 4300 нафар талаба ҳамда 5200 нафар коллеж ва академик лицей ўқувчиси жалб этилди. Ёшларимизнинг Она Ватанга бўлган меҳр ва фидокорлигини ошириш мақсадида «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Мақсад бир, ғоя бир — Ватан ягона» шиори остида илмий-амалий семинарлар ўтказиб борилди. «Асосий қонун сабоқлари», «Конституциявий ҳуқуқингизни биласизми?», «Ўз тарихингизни биласизми?», «Диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик, ОИТСга қарши кураш — давр талаби», «Биз буюк юрт фарзандларимиз» сингари тадбир ва учрашувларимиз ўз самарасини бермоқда.

Бандликка кўмаклашиш борасида ҳам тегишли идоралар билан баҳамжиҳат фаолият юритмоқдамиз. Навоий Давлат педагогика институти маъмурияти билан 2009-2010 ўқув йилининг бошиданоқ Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги ЎМКҲТ, Халқ таълими бўлимлари ўртасида битирувчиларни ишга жойлаштириш юзасидан ҳамкорлик шартномалари имзоланган эди. Бугунги кунда НДПИ нинг 1492 нафар битирувчиси ўз иш ўрнига эга бўлди.

Жорий йилда Давлат дастури асосида бир қатор иқтидорли, ташаббускор, фаол талаба ва ўқувчилар имкон даржасида қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ушбу мақсадда вилоят кенгаши томонидан 3 нафар, ЎМКҲТ бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан 5 нафар кам таъминланган иқтидорли жамоатчи талаба-ўқувчига устама стипендия берилди. Бундай стипендиялар таълим муассасалари бирлашган касаба уюшма қўмиталари томонидан ҳам таъсис этилаётир.

Бу хайрли юмушлар қайд қилиш учун эмас, балки аъзоларнинг Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини таъминлаш йўлида амалга ошириляпти. Зеро, муқаддас Ватанимизда бундан кейин ҳам инсон мавқеи азиз бўлиб қолаверади.

**Анора БОБОМУРОДОВА,**
**Навоий вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси**

## Туҳфа

# Эътибор

**Тиббиёт ходимлари куни Қорақалпоғистонда кўтаринки кайфиятда нишонланди.**

Байрам муносабати билан 35 нафар тиббиёт ходими Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, 5 нафар ходимга санаторийда дам олиши учун бепул йўлланма ажратилиб, уларга йўл харажатлари учун кенгаш томонидан 100 минг сўмдан ёрдам пули берилди.

Охирги йилларда қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда фидокорона меҳнат қилиб келаётган қишлоқ врачлик пунктлари ўртасида «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган кўрик-танлов якунида 1-ўринни Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Намуна-1» ҚВП эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларга эса Элликқалъа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Сорибий» ҳамда Шуманой туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Абдуллаев» қишлоқ врачлик пунктлари сазовор бўлишди. Ғолиблар кенгаш томонидан компютер жамланмаси билан тақдирланди.

**Л.БОЙБЎСИНОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси**

## Хабар

***Ўзбекистон туманидаги пахта тозалаш корхонаси маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан 80-90 ёшли фахрийларга ички нафақа берилмоқда.***

# Фахрийларга ички нафақа

— Фахрийлар билан доимо алоқани мустаҳкамлаб келаяпмиз. Уларни турли байрамлар арафасида йўқлаб, совға-саломлар билан мукофотлаяпмиз, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси А.Маматқулов. — Шу билан бирга, корхонада ишчи-хизматчилар учун барча шароит яратилган. Ойлик маош ўз вақтида бериб борилмоқда.

Пахта заводи ва унинг тасарруфидаги 4 та пахта сақлаш пунктида 610 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Заводнинг ёрдамчи хўжалигида 35 бош қорамол парвариш қилиниб, сут маҳсулотлари ишчиларга бепул тарқатилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб пахта пунктларида товуқ ва балиқ боқиш йўлга қўйилди. Бу эса меҳнаткашлар дастурхонини яна бойитяпти.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Тадбир

# Солиқчилар ўқуви

***Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят вакиллиги ташаббуси билан вилоят солиқ бошқармасида ўқув-семинар ўтказилди.***

Вакиллик ҳуқуқшуноси Абдуҳамид Саимов ва тармоқ вакили Аъзам Исоқов «Меҳнат қонунчилиги ижроси» мавзусида маъруза қилишди. Шунингдек, вилоят Адвокатлар палатаси, ҳудуддаги ҳарбий бўлинмалар ходимлари билан ҳам очиқ мулоқотлар бўлиб ўтди.

# Меҳнат муҳофазасига оид

***Жомбой туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси меҳнат муҳофазасига доир ўқув ташкил этди.***

Туман таълим тизими биноларидаги иситиш тармоқлари кўздан кечирилди. 144 та қозонхона, 335 та иситиш печларининг мавсумга шайлиги назоратдан ўтказилди. Айни чоғда мавсумни қаршилаш мақсадида 5 минг 41 квадрат метр полиэтилен плёнкалар, 109 дона пружина ҳозирлаб қўйилди. Тизим объектларидаги 287 тонна кўмирнинг сақланиши бўйича ўрнатилган назорат текширилди. Кенг қамровли тадбир мутасаддилар масъулиятини оширишга хизмат қилади.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# «Гуруч ичида курмак»

**2010 йил 21 сентябр, 116-сон**

***Мақола Учтепа тумани ДСЭНМ, ободонлаштириш ва «Тошиссиққувватти» бошқармалари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Унда кўрсатилган ҳолатлар қисман тасдиғини топди.***

Камчиликларни тузатиш юзасидан қатор ишлар бажарилди. Жумладан, кўп қаватли уйлардан сув оқиш ҳолатлари бартараф этилди. 20-уйда ҳашаротларга қарши зарарсизлантириш чоралари кўрилди. 18- ва 12-уйларда эса зарарсизлантириш ишлари ўтказиш бўйича «Олий сифат ватан» ХУЖМШ раиси Р.Одиловага тавсиялар берилиб, унинг ижроси назоратга олинди. 11-040-чиқиндихонани зарарсизлантириш ва 50 м. радиусини тозалаш, ободонлаштириш бўйича «Махсустранс» корхонасига талабнома киритилди. Лутфий кўчаси чорраҳасидан 199-мактабгача бўлган йўлни жорий таъмирлаш ишлари туман ободонлаштириш бошқармасининг шу йил ноябр ойи иш режасига киритилган.

**О.СОДИҚОВ,**
**Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари**

## «Ishonch»га жавоб берадилар

***Узун туманининг Янгибоғ қишлоғида яшовчи Ф.Беков қўшни давлатдаги олий ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги дипломини нострификациялашда муаммоларга дуч келаётганлиги ҳақида таҳририятга мурожаат қилганди. Ушбу шикоят Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига юборилгач, марказ директори Б.Исмоилов номидан қуйидаги жавоб хатини олдик:***

# Нострификациялаш тартиби

«Ўзбекистон Республикасида нострификация жараёни Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида Низом» асосида амалга оширилади.

Мазкур Низомнинг хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялашга қўйиладиган талаблар қисмига кўра (14-банд) хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялашда ушбу давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари тан олингандан кейин, уларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига мослиги аниқланади.

Фуқаро Ф.Беков ўқиган Тожикистон давлат педагогика университети «Тарих» таълим йўналишининг ўқув режалари, дастурларнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига мос эмаслиги сабабли, мазкур йўналишга оид таълим тўғрисидаги ҳужжатлар нострификация қилинмайди.

«Нострификация тартиби тўғрисида»ги низомнинг 27-бандига мувофиқ хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат унинг эквивалентлигини қайд этувчи гувоҳнома (сертификат) билан биргаликда тақдим этилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади».

# Амударё



Бугун қорақалпоқ диёрида ўзгача руҳ — баланд кайфият ҳукмронлик қилмоқда. Ҳамма соҳада кенг миқёсли яратувчилик, бунёдкорлик ишлари авж олган.

— Президент Ислом Каримовнинг шу йил 5 октябрдаги ташрифидан сўнг халқимизнинг, айниқса, меҳнат кишиларининг иш тутуми ўзгача бўлиб қолди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Соғиндиқ Ниетуллаев. — Мустақиллик йилларида юртимизда мисли кўрилмаган улкан ўзгаришлар юз берди. Қорақалпоғистон Республикаси тамомила янгитдан қурилди, қайта бошдан тикланди, десам асло муболаға бўлмайди. Бунга, албатта, халқимизнинг жасоратли меҳнати, капитал маблағларнинг ажратилиши ва ўзлаштирилиши эвазига эришилди. Бироқ меҳнатнинг, муваффақиятнинг эътироф этилиши баробарида, «аҳволинг қандай, яна қандай муаммоинг бор?», деб кўнгил сўраш, сени янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантириш бошқача бўлар экан. Юртбошимизнинг ушбу ташрифи қорақалпоғистонликлар қалбида, шоирона тилда айтсам, янгича — ўзгача баҳорий янгиланиш ва жўшқинликни уйғотиб юборди.

Юридик фанлари доктори, бир неча йил Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси вазифасида ишлаб, ўлканинг томир урушини яхши тушунадиган, айни пайтда ўнга яқин шеърий асарларнинг муаллифи сифатида ҳам ўз элида маълум ва манзур Соғиндиқ Ниетуллаевнинг ушбу эътирофини бошқалар — фермерлар, кўприксозлар, қурувчилар, қишлоқ ўқитувчилари ва шифокорлари тилидан ҳам эшитдик.

Биз, бир гуруҳ ижодкорлар — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Пирмат Шермуҳаммедов, адабиётшунос олим, Ўзбекистон Миллий Университетининг профессори Қозоқбой Йўлдошев, таниқли адиб Абдусаид Кўчимов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг профессори Сафо Матжонов ҳамда шоир ва таржимон Музаффар Аҳмад турли davralardаги учрашувлар ва суҳбатларда бир нарсага ийmон келтирдик: оддий кишилар давлатга суяниб умргузаронлик қилаётганини очиқ эътироф этади. «Мени Президент ҳимоя қилади, қонун суяйди», деб қаттиқ ишонади. Меҳнат қилсам, кам бўлмайман, деб бунга ўзидан, атрофидан мисолларни қалаштириб ташлайди.

**Бўзутовлик ўрмончи Абдуқодир КАРАМИДДИНОВнинг кайфияти чоғ:**

— Ўрмонларимиз бу йил бошқача гуркираб кетди, — дейди у. — Кўлларда сув сероб, балиқлар ундан-да сероб бўлди. Ўрдак-ғозлар роса болалади. Индамасанг, бошингга қўниб олади. Бўрсиқ, қуён, тулки, жайра... қуйингки, бор жониворлар урчиб кетган. Ажабмас, машҳур Амударё йўлбарслари ҳам қайтиб келса...

**Мурат БЕРДИМУРАТОВ, Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти ректори, физика-математика фанлари номзоди:**

— Мен Ҳамдўстлик мамлакатлари ва дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларидаги олий ўқув юртларини кўрганман. Институтимиз улардан қолишмайди. Масалан, талабаларимиз учун Нукусдан туриб Тошкентдаги олий ўқув юртлари таниқли олимларининг маърузаларини тинглаш ёки дунёнинг исталган бурчагидаги тенгдошлари билан телекўприк орқали баҳслашиш одатий ҳолга айланган.

*(Дарвоқе, бу ерда ўтган учрашувда олим ва адиб Пирмат Шермуҳаммедов ҳамда педагог-олимлар Қозоқбой Йўлдошев ва Сафо Матжоновни институт ўқитувчи-талабалари ғоят қизғин қарши олишди. Чунки улар бу даргоҳда тез-тез маърузалар ўқиб туришар, профессор-ўқитувчилар билан мустаҳкам ижодий ҳамкорлик ўрнатишган экан. Шу ҳамкорлик туфайли қатор адабий, илмий-педагогик қўлланмалар ва рисолалар яратилган. Улардан навбатдаги намуна сифатида шу учрашувда бизга совға қилинган Ф.Салаев, Г.Қурбонниёзовнинг «Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги» (Тошкент, «Янги аср авлоди» нашриёти, 2010 й.) китобини келтириш мумкин).*

**Гулистон МАТЁҚУБОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири:**

— Республикамизнинг адабий салоҳияти ўлароқ газетамизни тўрт тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида чоп этишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ҳозир унинг нишона сони тайёр. Янги йилдан газетамиз мунтазам равишда ўқувчиларга етиб боради. Биз алоҳида қўриқ очганимиз йўқ. Мустақиллик бизга берган кенг ижодий имкониятдан фойдаланяпмиз, холос.

**АЛИШЕР ОЛЛАБЕРГАНОВ, Нукус—Мискин йўналишидаги поездлар машинистлари касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Мискин-Нукус темир йўл поездлар тармоғининг ишга туширилиши туфайли йўлимиз 6-8 соатга қисқарди. Демак, умримиз шунчага узайди. Чунки ўзимиз манзилга тез бориб, тез қайтамиз. Юкларимиз энди тез келади. Ишларимиз тезроқ битади. Энг муҳими, йўл ўзимизники — вақт ўзимизники. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳозирги яхши ўзгаришлар бир жиҳатдан йўлсозлик соҳасидаги ютуқларимизга ҳам боғлиқлиги кўнглимизга ғурур ва сурур бағишламоқда.

**Олга КОППЕЛ, «Хоразмкўприкқурилиш» отряди касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Амалиётда асов, йўлбилмас Амударёга кўприк қуриш қумдан уй қуришга ўхшаб кетади. Шунинг учун собиқ Иттифоқ даврида бу дарёга фақат понтон-кўприклар қуриш расм бўлган. 2004 йилда Хазорасп туманида янги кўприкнинг ишга туширилиши билан бу анъана бузилди. Қаранг, муваффақият одамга қувват, илҳом бағишлар экан. Мана энди Амударё тумани ҳудудида ҳам шундай кўприкни ишга туширишга ҳозирлик кўрилмоқда. Кўприк нафақат йўлларни, балки элларни элларга, дилларни дилларга боғлайди, йироғимизни яқин қилади. Дунёда бундан-да басавоб иш бўлмаса керак.

Илло, янги кўприк қурилаётган жойдан ўтиб, ушбу сафарномамизнинг марказида бўлган Амударё туманига ҳам келдик.

Амударё нафақат Қорақалпоғистоннинг, балки мамлакатимизнинг пешқадам туманларидан ҳисобланади. Ҳар йили пахта, ғалла, пилла ва бошқа экинлар бўйича давлат режасини ошириб уддалаётган туманлар республикамизда кўп. Бироқ Амударё туманининг бошқалардан ажралиб турадиган бир жиҳати бор экан:

Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига асосан 2010 йилда туманда 30 та инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқилиб, бугунги кунда шундан 22 таси амалга оширилди.

Жумладан:

— 290 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси киритилиб, пиллани қайта ишлашга мўлжалланган «Азия силк» Ветнам шўъба корхонаси ташкил қилинди ва 39 та янги иш ўрни яратилди;

— «Назархон» овулида йилига 25 млн. дона ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Қорақалпоққурилишинвест» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади;



— лойиҳа қиймати 812 млн. сўмлик 80 минг бош парранда боқишга ихтисослашган «Амуагро» МЧЖ ташкил қилиниб, унда дастлабки 15 минг бош парранда боқилмоқда;

— йилига 9600 жуфт пойабзал ва ойига 200 дона костюм-шим ишлаб чиқариш қувватига эга «Бой овул пойабзали» масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди;

— «И.Ғайрат», «Қадамбой Пўлат» фермер хўжаликларида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 43,2 млн. сўмлик ускуналар олиб келиниб, ташкил этилган кичик корхоналар ўз фаолиятини бошлади.

Шунингдек, «Ергулобод» фермер хўжалигида лойиҳа қиймати 221 млн. сўм бўлган йиллик қуввати 300 тонна сутни қайта ишлашга мўлжалланган кичик цех, йилига 335 тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга «Амударё колбасаси» масъулияти чекланган жамияти, суткасига 1,1 тонна кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Амуинвестплюс» қўшма корхонаси ўзларининг фаолиятини бошлаш арафасида.

Жорий йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича умумий қиймати 3 млрд. 236 млн. сўм бўлган 60 та уй-жой қурилиши амалга оширилиб, шундан 55 таси фойдаланишга топширилди. Янги турар-жой массивига 90 км. узунликдаги ташқи муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари ўтказиш тугалланди.

Тумандаги ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига 10 та уй-жой қурилиши бошланиб, 182 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

2004 йилда Нукус шаҳридан Манғит шаҳригача бўлган 85 километр узунликдаги масофага Япония технологияси асосида тайёрланган оптик шиша толали кабеллар ётқизилди ҳамда алоқа узели Хитойнинг «Хуайвэй» компаниясида тайёрланган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада, туманда 4300 нуқтага эга бўлган алоқа тизими, 2009 йилда эса 3 та қишлоқда замонавий рақамли телефон станциялари ишга туширилди.

Қишлоқлардаги таълим муассасаларига ва шифокорлик пунктларига «Перфектум мобайл» алоқа компаниясининг стационар телефон нуқталари ўрнатилди. Бугунги кунда 6500 абонент стационар телефон хизматидан баҳраманд бўлди. Шунингдек, туманда «МТС», «Юселл», «Ўзбекмобайл», «Перфектум мобайл» уяли алоқа тизимлари ишга туширилиши натижасида аҳолига сифатли равишда алоқа хизмати кўрсатиш имконияти яратилди.

2010 йил 2 сентябр куни туманда маҳаллий телевидение — «Амударё телевидениеси» ўз кўрсатувларини бошлади.

«Ўрта қалъа» овулида болалар спорт мажмуаси, Манғит шаҳрида туман давлат солиқ инспекцияси, Молия бўлими, Маданият ва спорт ишлари бўйича бўлими бинолари, «Дўрман» овулида 50 ўринли, «Чойкул» овулида 100 ўринли, «Ўрта қалъа» овулида 70 ўринли, «Назархон» овулида 70 ўринли қишлоқ шифокорлик пунктлари янгидан қурилиб ишга туширилди.

Шунингдек, ҳар бири 750 ўқувчи ўринли «Манғит» ва «Қипчоқ» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари капитал реконструкция қилиниб, бутунлай янги ва замонавий қиёфага эга бўлди. 2003 йилда 600 ўринли «Дўрмон» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, 2007 йилда 360 ўринли (1 млрд. 336 млн. сўмлик) «Амударё» хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи, 2008 йилда 555 ўринли (889,3 млн. сўмлик) «Манғит» иқтисодиёт касб-

ҳунар коллежи ва 450 ўринли (2 млрд. 488,8 млн. сўмлик) «Амударё» академик лицейи, 2009 йилда 435 ўринли (2 млрд. 19,6 млн. сўмлик) «Амударё» мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежи янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди.

Ҳаммаси бўлиб 23 та умумтаълим мактабининг ўқув бинолари мутлақо янгидан қурилди, спорт заллари 24 тадан 41 тага кўпайди.

2010 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 31- мактабда қўшимча қурилиш қиймати 146,7 млн. сўмлик спорт зали қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, жорий йилда 1- Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида янгидан қиймати 180,6 млн. сўмлик спорт мажмуаси қурилиб ишга туширилиши мўлжалланган.

Биз мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, вилоят марказларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан огоҳ бўлган ўқувчиларни республикамизнинг энг чекка туманидаги халқаро минбарлардан бонг урди. Албатта, юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳеч ким четдан келиб Оролимизни тўлдириб бермайди ёки эски уйимизни янгиламайди. Биз ҳам яхши яшашга ҳақлимиз, қурмоқчимиз, бунёд этмоқчимиз. Шунинг учун, энди ғанимларимизга: бизга ҳеч қурса, халақит берманг! Қандай яшашни ва ишлашни ўзимиз яхши биламиз, деб баралла айтиш имкониятига эгамиз...

Зиёлилар ва талаба ёшлар етакчилари иштирокида олим ва адиб Пирмат Шермуҳаммедовнинг 70 йиллигига бағишлаб туман ҳокимиятининг мажлислар залида ўтказилган йиғилишда мана шу талаб, мана шу руҳ ҳукмрон бўлди.

Юбилей тантаналарида одатда «юбиляр» мақталади, унинг шаънига ҳамду санолар айтилади. Лекин бу сафар бошқача бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофотининг ва Бердақ мукофотининг лауреати, Муҳаммад Али ўз сўзида Президентимиз томонидан Қорақалпо-

*Гоҳ йиғиси, гоҳ хандаси,*
*Кўнгилларга ҳавола.*

*Қозондаги жиққа мой, гўшт,*
*Тандирдаги иссиқ нон,*
*Оққув қушда момиқдай тўш,*
*Тулпор отга зор майдон;*

*Пахта пайкал, кенг, мўл дала,*
*Қирчиллама гулшан боғ,*
*Амударё, Тупроққалъа,*
*Ташна бағир, шўр тупроқ;*

*Кенг қобоқли, тор мийиқли*
*Гули гулнор, моҳир нур —*
*Ҳам тамизли, ҳам тийиқли*
*Шеъримизга ранг эрур!*

*Шеърият — бир олтин сарой,*
*Ватан — сарой бекаси,*
*Чиройга бой, талъати ой*
*Бекаларнинг эркаси.*
*Шу бекага умр тилаб*
*Покиза руҳ этинг бахш!*
*Оқ қоғозга қўйингиз лаб,*
*Оқлик бўлсин дилга нақш!*

# бўйларида

катта ўзгаришлардан хабардор этиш мақсадида айнан рақамлар тилида сўзлашдик.

Туман ҳокими, иқтисод фанлари номзоди, мана шу янгиланишларга бош-қош бўлга ташаббускор инсон Ражаббой Йўлдошев даволанишда бўлгани учун ушбу рақамларнинг манзили билан бизни ҳоким ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Хонимжон Ражабова таништирди ва муваффақиятлар омилини қуйидагича изоҳлади:

— Туманимиз маркази — Манғит шаҳри мамлакатимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Шунга мутаносиб равишда Амударёдан етишиб чиққан фидойи инсонлар Рамат Эшжонов, Отажон Худойберганов, Ойимхон Камолова, Раҳим Эркаев, физикадаги яримўтказгичлар соҳасида дунёга машҳур мутахассис, академик Мухтор Сайидов, унинг укаси академик Амин Сайидов, Халқаро Гўзаллик танловлари жюрисининг доимий аъзоси, халқаро тоифадаги уста-моделер Фарҳод Шомуродов, ўзбек тилшунослигининг забардаст вакили Аҳмад Ишаев, таниқли олимлар Исмоил Бегимов, Гулмирза Худойберганов, Норбой Худойберганов, Сафо Матжонов, Абдулла Дўсимбетов, Йўлдош Сайидов, Қурбонбой Собиров, Эшонбой Қорақулов, Тўрахон Илёсов, Фрунзе Бижанов, Ҳайдар Бобожонов, Исмоил Умаров, Худойберган Жумабеков, Ўразак Бекабаулов, Саъдулла Авазбоев, Турсунбой Давлетовларнинг мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшгани билан амударёликлар бугун ҳақли равишда фахрланади. Мен қаторингизда келган, етмиш ёшли таниқли адабиётшунос олим, «Хоразм Маликаси ёҳуд Амир Темурнинг келини», «Даҳонинг туғилиши», «Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий» каби асарларида халқимиз тарихини ўзига хос тарзда бадиийлаштирган адиб Пирмат Шермуҳаммедовнинг туманимиз зиёлилари ва ёшлари учун ибратли фаолиятини алоҳида таъкидламоқчиман. Пирмат ака мамлакатимиз учун энг оғир дамларда Орол денгизи тақдири учун собиқ иттифоқ империясига қарши майдонга чиқди. Орол тақдирини нафақат Хоразм воҳаси, балки бутун Марказий Осиё тақдирига дахлдор масала, деб ғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини, мамлакатимизнинг энг чекка туманини ҳам намунали, бутун дунё ҳавас қиладиган манзилгоҳларга айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Бунинг учун биз зиёлилар ҳаракатда — шижоаткор, фаолиятда — ташаббускор, ўз мақсадимизда қатъий турмоғимиз шарт, деб қорақалпоқ шоирларига, барча зиёлиларига атаб ёзилган ушбу шеърини ўқиб берди:

*Эски гап бу: кўз ёши*
*Дарё бўлиб бир банда,*
*Кунда узра ёлғиз боши*
*Кесилай деб турганда.*

*Жаллод қўлга болта олар,*
*Ивирсинар... Шу они*
*Бир ёш йигит елиб келар,*
*Оҳи чулғаб дунёни.*

*Бошин қўйиб кундага, дер:*
*«Мени чопгил, эй жаллод!»*
*Шериги дер: «Мени ўлдир!*
*Усиз менга йўқ ҳаёт!»*

*Иккиси ҳам қўрқмас, ботир,*
*Иккиси ҳам аломат.*
*Жонни жонга тикиб охир*
*Қолишибди саломат.*

*Қорақалпоқ оғайнилар,*
*Сизни ўйлаган чоғи,*
*Тездагина эсга келар*
*Ўша дўстлик сабоғи.*

*Айта қолай танти бир гап,*
*Ошно этай бир сирга:*
*Икки сатрин қўйсанг мақтаб,*
*Хуш ёқардинг шоирга.*

*Йўқ, бу фикр йўқотмиш ранг,*
*Унутма шул ҳақда сен:*
*Гар шоирга ёқай десанг,*
*Туққан ерин мақта сен!*

*Туққан ерга боқиб тўймас,*
*Чўлдан топиб чиройин,*
*«Қорақалпоқ» сўзин қўймас*
*Шоирингиз Ибройим!*
*Шеър — кўнгилнинг арзандаси,*
*Нурдан бўлган зувола,*

*Ғурбатларда қолсангиз гар,*
*Ғам чексангиз, бовурдош,*
*Гуноҳингиз шоир сўрар*
*Ва кундага қўяр бош.*

*Сўз дедими — қайтмас шоир!*
*Бир иш бўлар аломат.*
*Жонни жонга тикиб охир*
*Қолажакмиз саломат!*

Адиб Абдусаид Кўчимов ўз сўзида миллий қадриятларимиздан саналмиш устоз ва шогирд анъанасига бизнинг Ўзбекистонда ҳозир катта аҳамият берилаётганини алоҳида таъкидлаб:

— Президентимизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида (2009 йил 24 июн) ҳам устоз ёзувчиларнинг маҳорат мактабини ўрганишга алоҳида урғу берилиш билан бирга, «Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду ғами билан яшаши, халқ ичига кириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини» бугун биз Қорақалпоғистонга қилган кичкина бир сафаримиз давомида, сиз азизлар билан бўлган учрашувларда яна бир бор юракдан ҳис этдик, — деди.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўразбой Абдураҳмонов Президентимизнинг юқорида тилга олинган тавсиялари асосида «Амударё» журнали фаолиятини янада жонлантириш, воҳа ижодкорларини бунёдкор замондошларимиз ҳақида мағзи тўқ, ўқимишли асарлар яратишга йўллаш ва қўллаш борасида амалга оширилаётган ишлари, режалари билан ўртоқлашди.

Ушбу йиғилишда, туман Маҳалла марказида ўтган давра суҳбатида Пирмат Шермуҳаммедов ўқиган тумандаги 44-мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари билан суҳбатларда адабиётшунос олимлар Қозоқбой Йўлдошев ва Сафо Матжонов, шоир Музаффар Аҳмад китобхонлик, маънавий камолот, ҳар бир инсоннинг ота-онаси, ўз устозлари, ўқиган мактаби ва Ватан олдидаги бурчи ҳақида жонли адабий мисоллар билан бир-биридан қизиқарли суҳбатлар қилишди. Мактабнинг ҳаваскор шоиралари Саломат Каримова ва Шаҳноза Йўлдошева ўз шеърларидан ўқиб бердилар. Туман газетасида ўз мақола-хабарлари билан фаол қатнашиб, келгусида журналист-ижодкор бўлишни орзу қилиб юрган Саломат Каримова «Ishonch» газетасининг жамоатчи мухбирлигига қабул қилинди.

Бунинг бошқа сабаби ҳам бор эди. Шу учрашувларда Амударё туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Улуғбек Абдураҳмоновдан газетамизга амударёлик юзга яқин ўқитувчи бир йиллик обуна бўлганини эшитиб, хурсанд бўлдик. Бошқа соҳаларни қўшсак, бу йил Амударёда «Ishonch» газетасининг муштарийлари икки юзтага етади, деб ҳисоблашимиз мумкин бўлади. Шунинг учун жамоатчи мухбир кўмагида тумандаги ўзгаришлардан бошқалар ҳам хабардор бўлиб турсин, дедик.

Шу кунги учрашувларимиз кечқурун янги иш бошлаган Амударё туман телевидениесида берилганини кўриб, бу ернинг ижодкор-журналистлари ўртасида рақобат кучли бўлишини сездик.

Ушбу учрашувларга меҳмон бўлиб келган қўшни Беруний туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Давлатёр Қаландаровдан фақат соҳа ходимларининг ўзидан юз киши 2011 йил учун газетамизга обуна бўлганини эшитиб, яна қувондик. Албатта, ўрни келиб қолганда муштарийларнинг газетамиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик. Таҳририятнинг келгусидаги режалари ҳақида гапириб бердик. Бу борада газетамизнинг фаол муаллифлари бўлган ҳамроҳларимиз, айниқса, Пирмат ака Шермуҳаммедов бизга катта ёрдам берди. Туман ҳудудидаги милоднинг бошида ва ўрта асрларда бунёд этилган Чилпиққалъа, Гуарқалъа ва Жампиққалъага саёҳат барчамизда катта таассурот қолдирди. Вақт ва турли босқинлар тўфонида хароба ҳолга келиб қолган бу иншоотлар ўз салобати билан бундан минг йиллар аввал ҳам боболаримиз нақадар моҳир бунёдкор бўлишганини намойиш этиб турар эди. Уларга муносиб ворис бўлиш, ватанимиз шуҳратини ва салоҳиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш нияти ҳар биримизнинг қалбимизни чуқур ҳаяжон билан тўлдирган эди.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университетининг доценти**
**А.АБДУХОЛИҚОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**



Ishonch 2010-yil 18-noyabr
№ 137 (2862)

# Генетик ўзгартирилган хавф, чора,

**Кейинги йилларда ОАВ, интернет сайтларида генетик ўзгартирилган маҳсулот (ГЎМ)ларнинг зарари ва истеъмол учун хавфлилиги ҳақида турли-туман фаразлар, миш-мишлар пайдо бўлмоқда. Хўш, ГЎМ ўзи нима ва улар инсоният учун керакми, тарзидаги саволлар туғилиши табиий.**

**Гени ўзгартирилган (Genetically Modified) маҳсулот ёки организм — ген муҳандислиги усуллари ёрдамида бир организмдан (тўғрироғи, ДНКсидан) бир ёки бир нечта генни бошқа организмга (ДНКсига) сунъий кўчириш натижасида ҳосил бўлган тирик организмдир. Мақсад — тирик организмдаги илгари бўлмаган фойдали хусусиятни бошқа организмнинг генидан ўзлаштириш ва серҳосил, касалликка чидамли навлар етиштириш.**



Яна ҳам бошқача айтганда, ГЎМ — бу ген кодига бегона генлар «ёпиштирилган» организмдир. Масалан, барчамиз яхши кўриб истеъмол қиладиган картошка генига чаён гени «қўшилади». Натижада, биз ҳеч қайси ҳашарот емайдиган картошкага эга бўламиз. Ёки помидор ва қулупнайга қутб камбаласи (қалқонбалиқ) гени қўшилди. Энди бу ўсимликлар совуқдан қўрқмайди. Бунинг нима кераги бор? Энг осон жавоб — олимлар Ер аҳолисини очлик хавфидан халос этишмоқчи. Умуман олганда тўғри, ахир бундай помидорларни шимолнинг энг олис бурчакларида ҳам етиштириш имкони бўлади. Картошка ҳосили эса кўп тарқалган Колорадо қўнғизидан жабр чекмайди. Яна ҳажми бир хил ва чириб битмагунча хушбўй ис таратиб турувчи олма ёки бир хил катталиқдаги, узоқ сақланувчи помидор етиштириш мумкин. Жуда қулай, шундай эмасми? Ёки гуручга бошоқлиларга хос бўлмаган А витамини ишлаб чиқарувчи ген қўшиш мумкин. Шундай табиий ҳолда истеъмол қилишнинг имкони бор экан, дорихонадаги витаминларнинг бизга нима кераги бор? Қисқа қилиб айтганда, олимлар салгина уриниш билан кўпгина турларнинг ҳосилдорлиги, ҳашаротларга чидамлилигини оширмоқда ҳамда уларнинг «фойдали»лигини кучайтирмоқда. Аввал селекционерлар бундай натижаларга ўн йиллар давомида эришган бўлишса, ҳозир бир-икки йил сарфланмоқда.

Энг кўп тарқалган ГЎМ — соя, маккажўхори, буғдой, лавлаги, тамаки, пахта, рапс (ёғли ўсимлик), картошка, қулупнай ва сабзавотлардир.

## «ЯШИЛ ИНҚИЛОБ»

Умуман олганда, гени ўзгартирилган организмлар (ГЎО) ва ГЎМларнинг инсонга таъсири муаммоси янгилик эмас. Трансген ўсимликлар ҳақида дастлаб 80-йилларнинг бошида сўз юритила бошланган, 1983 йилда эса Американинг «Монсанто» фирмасидан бир гуруҳ олимлар илк бора ГЎ ўсимликларни яратган эди.

Дастлаб сифатли, совуққа, қурғоқчиликка ҳамда зараркунандаларга чидамли янгича ўсимлик яратиш каби олийжаноб мақсадлар кўзда тутилган эди. Тан олиш керак, америкалик селекционерлар бу борада катта муваффақиятларга эришди. Мисол тариқасида буғдойни олайлик. «Монсанто» фирмаси тадқиқотчилари маълум турдаги зараркунандаларга чидамли буғдой нави етиштириш устида иш олиб боришди ва «Терминатор» номли биологик механизмни ихтиро қилишди. Дастлабки ҳосилдаёқ натижа кутилганидан зиёда бўлди. «Ақлли» зараркунандалар бундай турдаги буғдойдан «узоқроқ юришди». Одамзот эса шу буғдойни истеъмол қилди. Кейинроқ эса бу буғдойнинг «бепушт» эканлиги маълум бўлди: экилганда, кўкармади.

Бу ҳолатдан компания ходимлари хурсанд бўлишди. Энди харидорлар фирмага бутунлай боғланиб қолишарди-да!

Улар янги маҳсулотдан яхшигина пул ишлаб олиш мумкинлигини фаҳмлашарди. Дарҳақиқат, 1994 йилдаёқ янги суперўсимлик истеъмол бозорига оқиб кира бошлади. Шу тариқа гени мутацияга учраган маҳсулотларни етиштириш даври — «яшил революция» бошланди.

Маккажўхори, буғдой ва бошқа турлардаги тажриба натижалари америкалик «агромўъжизакор»ларни янги-янги «қаҳрамонлик»ларга ундади. Янада кўпроқ ўсимликлар устида генетик тадқиқотлар ўтказила бошланди. Бугунга келиб, генетик тузилишига сунъий равишда бегона генлар қўшилган 2000 дан ортиқ турли ўсимлик пайдо бўлди.

## ЗАРАРЛИ, АММО «ЯРОҚЛИ!»
### улар шундай хулосага келишди

Россия кўпгина Африка ва Европа давлатларидан фарқли равишда, афсуски, ҳозирча ГЎМдан халос бўла олгани йўқ. Бу мамлакатда ҳам, Европадаги каби ҳайвонларни ГЎМлар билан боқиб, тажрибалар ўтказила бошланди. 1998 йилда РАМН озиқ-овқат институти олимлари ўша машҳур «Монсанто» фирмасининг Рассет Бурбанк Ньюлайф картошкаси билан каламушларни боқиб, тажриба ўтказишди ва ҳайвонларнинг жигар, буйрак ва йўғон ичагида жиддий ўзгаришлар, гемоглабин миқдорининг камайиши ва бошқа асоратлар кузатилди. Энг кўп салбий ўзгаришлар емишига Колорадо қўнғизига чидамли ГЎ картошкаси қўшилган ҳайвонларда содир бўлди. Ажабланарлиси, институт тадқиқотчилари ғалати хулоса чиқаришди: ҳайвон учун зарарли бўлган нарса одамга фойдали бўлиши мумкин экан. Шундай қилиб, ҳар иккала навни ҳам ишлаб чиқаришга яроқли деб қайд этишди. Шу тариқа 1990 йилнинг охирларида маҳаллий бозорда ГЎ маҳсулотлар пайдо бўлди.

Биологиядан узоқ бўлган ҳар қандай кишини, қўпол қилиб айтганда, каркидон ва палманинг «қовуштирилиши»дан ёки ҳар хил турларнинг чатиштирилишидан ҳосил қилинган маҳсулотлар хавотирга солиши табиий. Табиатдаги ҳамма нарса жуда пухталик билан бир-бирига боғланган. Инсон эса бу тизимни ўзгартиришга уринмоқда. Мактабда, зоология фанида ўқитилган озиқланиш занжири тушунчасини эсланг. Ўтхўр ўт ейди, кичик йиртқич ўтхўрни, йирик йиртқич кичигини ейди. Ҳаммаси ойдин! Энди эса одамзот асрлар давомида шаклланган ушбу экотизимга аралашиб, майсани, дейлик, балиқ билан чатиштирмоқда ва натижада майсани бирор жонзот ея олмаяпти. Ўтхўрлар қирилса, йиртқичлар ҳам йўқ бўлади ёки мутацияга учрайди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам оқибат... Лекин геншунослар ўжарлик билан «кесиб-ёпиштириш»да давом этишмоқда.

ГЎМ ихтиро қилиниши билан унинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги олимларнинг туганмас баҳслари ҳам пайдо бўлди. Бу вазият НУЖ билан боғлиқ воқеаларни ёдга солади. Ўшанда ўн йиллар давомида минглаб гувоҳлар ўзга сайёралик меҳмонлар ҳақида хабар қилишга уринишган, лекин ҳар гал олимларнинг бир хилдаги «мавжуд эмас» деган жавоб деворига дуч келишган эди. Аслида биз, оддий фуқаролар бу ҳақда деярли ҳеч қандай маълумот олмаймиз. ГЎМ билан ҳам шундай. Биров «зарарли, ғайритабиий, ўрганилмаган» деб қичқирса, бошқа биров «фойдали ва зарур» деб туриб олади. Кимга ишониш керак? Кимгадир эса бу шунчаки фойда келтиради. Содда қилиб тушунтиришга уриниб кўрамиз. ГЎМ ишлаб чиқарилишидан кимга фойда? Албатта, шундай маҳсулотнинг истеъмолчиларига. Ахир, оддий буғдойнинг нархи тоннасига 300 АҚШ доллари бўлса, трансген (гени ўзгартирилган) буғдойники 40-50 доллар бўлади. Тасаввур қилинг, қандай тежамкорлик. Бу каби маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ҳам зарар қилмайди. Турларнинг баъзи хусусиятларини ўзгартириш эвазига (ҳашаротларга чидамлилик) уларни етиштиришга сарфланадиган харажатлар ҳам камаяди, мос равишда нарх ҳам пасайиб, рақобатбардошлик даражаси ошади.

## МАЪЛУМОТЛАРДА ҚАЙД ЭТИЛИШИЧА...

Россия истеъмолчилар ҳуқуқини назорат қилиш ташкилоти маълумотига кўра, ҳозир мамлакатда тўлиқ зарурий тадқиқотлар ўтказилди ва трансген усули билан олинган ўсимлик туридаги 14 хил озиқ-овқат экинлари етиштирилишига рухсат берилди: маккажўхорининг 6 нави, 3 нав соя, 3 нав картошка, 1 нав гуруч, 1 навдаги қанд лавлагиси ва 5 навдаги ГЎ микроорганизмлар.

Лекин бу расмий маълумот, холос. Ҳақиқатда қандай? Турли манбаларнинг берган маълумотларига қараганда, ҳозирги пайтда Россияга 200 дан 500 тонна-гача трансген маҳсулотлар олиб кирилмоқда. Божхонадан ГЎМлар ҳеч қандай белгисиз, фақат экспорт қилаётган мамлакат гувоҳномаси ва маълумотномаси билан ўтказилмоқда. Трансген маҳсулотларни етиштириш эса тақиқланган.

Йилдан-йилга трансген маккажўхори, пахта, буғдой, соя, помидор, картошка, лавлаги, тамаки ва ҳоказолар экилган ер майдонлари кенгайиб бормоқда. Россия истеъмолчилар ҳуқуқини назорат қилиш ташкилоти маълумотларига қараганда, дунёда 1996 йилдан 2005 йилгача трансген ўсимликлар экилган майдонлар 50 мартага кўпайган ва 90 миллион гектарга етган.

Ҳозирги пайтда дунёда трансген организмлар етиштиришнинг 98 фоизи АҚШ, Аргентина, Бразилия, Чили, Канада ва Хитойга тўғри келади. Шунингдек, 100 дан ортиқ ГЎ ўсимликларни саноат кўламида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг баҳолашича, 2007 йилдан 2010 йилгача ГЎ маҳсулотлар дунё қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотуви миқдорининг 55-60 фоизини ташкил қилади.

Европада аллақачон маҳсулотлардаги ГЎМ миқдори ҳақидаги қонун амал қилади — 0,9 фоиз. Японияда эса бу кўрсаткич 5 фоиз, АҚШда 10 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, кўпгина мамлакатларда маҳсулотларнинг генетик ўзгартирилган бўлиши мажбурийдир.

Бу борада фикр юритар эканмиз, қизиқ бир фактга дуч келдик: ГЎМ дастлаб Африка қитъасидаги камбағал давлатлар аҳолисига мўлжалланган экан. Аммо ана шу камбағал давлатлар яқин 5 йилдирки, ўз ҳудудларига ГЎМ олиб кирилишини тақиқлади.

## ҲАҚИҚАТ БАҲСЛАРДА ТУҒИЛАДИ, АММО...
### у онг чиғириғидан бутун чиқиши ҳам керак

Ҳеч ким расмий равишда ГЎМ зарарли, деб айта олмайди. Бундай ҳолда кўпинча «тахминан хавфли» атамаси қўлланилади. Нега? ГЎМнинг зарари ва фойдаси ҳақида тугал хулосага келиш учун кенг кўламли ва узоқ муддатли тадқиқоту тажрибалар ўтказиш керак. Бироқ бунга негадир қўл уришмаяпти.

Ҳозирча олимлар уларнинг оқибатлари ҳақида айрим фаразларни илгари суришмоқда, холос. Трансген маҳсулотлар истеъмол қилинганда, тўғридан-тўғри зарар келтирмайди, чунки улар инсон генига жойлаша олмайди. У фақат тана бўйлаб кезиши ва оқсиллар синтезини қўзғатиши мумкин. Бир қарашда бунинг қўрқинчли ери йўқдай. Лекин ана шу оқсиллар инсон танаси учун бегонадир. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг инсон танасида пайдо бўлиши табиий равишда кўзда тутилмаган. Бундай синтезнинг оқибати нима билан тугаши ва унинг қай даражада хавфлилигини фақатгина тахмин қилиш мумкин, холос.

***Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Геном технологиялар маркази лойиҳа раҳбари, биология фанлари доктори:***

*— Дарҳақиқат, ген инженериясининг ўта тез суръатда ривожланишидан хавотирга тушиш ва унинг эҳтимолдаги зарари тўғрисидаги турли қарашлар борлигини айтиб ўтиш лозим. Фандаги бундай оқим вакиллари генлари ўзгартирилган маҳсулотларни тажрибаларда илмий исботланмаган турли зарарлари ҳақида асосан интернет ва оммабоп газета-журналларда кўпиртириб гапиришга ҳаракат қилишади. Уларнинг мақсадлари сиёсий ва иқтисодий фойда кўришга қаратилган ва асосий эътирозлари генлари ўзгартирилган маҳсулотлар одамлар генларига салбий таъсир қилади ва табиат биохилма-хиллигини ўзгартириб юборади ва ҳаттоки «кўчириб ўтказилган генлар қочиб чиқиб, бошқа организмларга ўтиб кетади» деган ғояларга асосланган. Бироқ бу ҳали фанда исботланмаган. Сабаби, трансген организмларнинг яратила бошланганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ ва қисқа муддатда юқоридаги эътирозларни асослаш мумкин эмас. Табиатда инсон учун зарарли ўсимликлар жуда кўп, лекин уларнинг генлари «қочиб чиқиб», фойдали ўсимликларни ўзгартириб юбориши кузатилмаган. Биологик системалардаги геном (молекуляр китоб) бу қадар тартибсиз ва назоратсиз эмас, балки у миллионлаб йиллар мобайнида ўта тартибга солинган генетик қонуниятлар асосида ишлайди. Агар ҳар биримиз туғилга-*

# Маҳсулотлар: таҳдид?



нимиздан бери, кунига янги узилган мевалар, бодринг ва помидор билан бир неча миллионлаб молекула генларни истеъмол қилиб келишимизни ҳисобга олсак, генларни истеъмол қилишнинг одамни ўзгартириб юборишга қодир тўғридан-тўғри зарари йўқлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ошқозон-ичак тизимига тушган ҳар бир озиқ (генлар ҳам) ўта кичик молекулаларгача (нуклеотид ва аминокислоталар) қайта парчаланиб, эҳтиёжга кўра ичакларда сўрилади.

Янги технологияларга билиб-билмасдан «тош отиш»нинг энг ёмони турли интернет саҳифаларида тақризсиз чоп этилаётган узунқулоқ гапларга таяниб фикр билдиришдир. Эмишки, биз истеъмол қилаётган картошкага чаённинг гени қўйилган ва бунинг оқибатлари жуда ёмон бўлармиш. Ваҳоланки, фанда чаёндан олинган токсин гени ҳозиргача фақат ғўза ва рапс ўсимликларига киритилган ва натижалар ишончли тарзда нуфузли илмий журналларда чоп этилган. Илмий журналларда эса картошкага чаённинг гени киритилганлиги ҳақида гап йўқ. Қолаверса, бундай чаён гени тутган трансген ғўза ва рапс ишлаб чиқаришда эмас, фақатгина лаборатория шароитларидагина мавжуд. Нима учун? Сабаби жуда оддий: ҳар қандай трансген ўсимликлар махсус лаборатория шароитларида уларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш мумкинлиги, улардан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқишнинг хавфсизлиги, албатта, чуқур ўрганилади. Бу қатор тегишли маҳаллий ва халқаро ташкилотлар томонидан назорат қилинади. Шундай бўлса-да, назарий жиҳатдан генлар инженерлигидан нотўғри мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Сабаби, ҳақиқатан ҳам бирор «ёмон» гендан олинган оқсиллар озиқ-овқат маҳсулотларига назоратсиз «мақсадли» тарзда ўтиб кетса, зарар келтириши мумкин.

Геном технологияларини ёки гени ўзгартирилган организмларни қишлоқ хўжалигида фойдаланишга билиб-билмасдан тўсқинлик қилиш ҳамда генлар инженерлиги каби илғор соҳаларни Ўзбекистонда ривожланишига лоқайдлик қилиш мамлакатимизнинг бошқа давлатлар ичида «аутсайдер»га айланиб қолишига олиб келади. Зеро, келажакда аҳолини озиқ-овқат билан бекаму кўст таъминлашнинг асосий таркибий қисми ҳам қишлоқ хўжалигига замонавий геном технологияларини татбиқ қилиш билан чамбарчас боғлиқ.

Қолаверса, ҳозирги генлар инженерлигида ўтган асрнинг 80-90-йилларидаги каби турли микроб ёки ёт жонзотлар генларига (масалан: чаён) таяниб иш кўришга ҳожат қолмади. Асримиз бошига келиб қатор қишлоқ хўжалиги экинлари геномларининг тўла ўқилиши (шоли, соя, бодринг, ғўза) турли жараёнларни ижобий томонга ўзгартириш имконини яратди. Бу ҳозирги яратилаётган генлар инженерлиги маҳсулотларининг ўта хавфсиз бўлишини кафолатлайди.

***Любов КАЛАШНИКОВА, биология фанлари доктори, Бутунроссия наслчилик илмий текшириш институтининг ДНК технологиялар лабораторияси мудири*** **(«АиФ Здоровье», 20-сон, 13. 05. 2004):**

*— Кўплаб далиллар ирсларни ўзгартираверишхайвон саломатлигига зарарли таъсир этишини исботлаб турибди. Бу далилларни нафақат бизнинг институтимиз топган, бунақа тадқиқотлар бутун дунёда олиб борилялти ва натижалари матбуотда очиқ эълон қилиняпти, истеъмолчилар негадир бу маълумотлардан хабарсиз.*

*Трансгенларда модда алмашинуви, иммунитет лаёқати, гармонал кўриниши, аъзолар ва тўқималарнинг биохимик таркиби бошқача бўлади. Лекин энг асосийси — гени ўзгартирилган ҳайвонларнинг яшовчанлиги ва уруғланиши суст бўлади – насл қолдиришни «хоҳлашмайди». Биолог учун мана шу икки нуқтанинг ўзиёқ «бу ҳайвон соғлом эмас, касал», дейишга кифоя қилади. Ким касал ҳайвон гўштини ейишни хоҳлайди? Ҳайвоннинг гўштини ё сутини овқатга ишлатиш учун у мутлақо соғлом бўлиши керак. Ҳозирда бор ДНК технологияларнинг ҳеч бири мутация йўқлигига кафолат беролмайди. Геном (ирс-)да кўплаб ўзгаришлар содир бўлади. Ҳолбуки, ақалли битта нуклеотид, битта ўрин ўзгарса, бу ҳодиса ҳайвонларда бўлгани каби одамларда ҳам қалтис оқибатларга олиб келиши мумкин...*

*...Ичимизга овқат билан бирга кирадиган бегона ДНКга келсак, ҳақиқатан у ошқозонда парчаланиб кетади. Аммо бутунлай эмас, қанақадир қисми биологик фаоллигича қолиши мумкин. ДНКнинг ўзи шундайича хавфли эмас, балки ундан пайдо бўлган маҳсулот – гармон табиатли оқсил, инсектицид, қандай ирс кўчириб ўтказилганига қараб хавфлидир. Масалан, киритилган ирс трансген картошкада инсектицидларнинг юзага келишига хизмат қилади ва шу модда бўлгани учун уни Колорадо қўнғизи емайди. Дарвоқе, устидан капалаклар ҳам учмай қўяди. Аммо ёдингизда бўлсин: картошка палагига Колорадо қўнғизидан асраш учун инсектицид сепсангиз, кейин қоидага биноан, бу кимёвий модданинг парчаланишини, йўқолиб кетишини кутардингиз. Унгача бу картошкани емасдингиз. Энди тасаввур қилинг: ўша инсектицид картошканинг ўзида, ичида ва доим туради, қанча сақласангиз ҳам, ҳеч қаёққа йўқолмайди. Шуни егингиз келадими? Касаллик келтириб чиқарадиган бактерияларга, вирусларга яхшироқ қаршилик кўрсатишлари учун организмларнинг ўзида пайдо бўладиган антибиотикларни, вирусга қарши дориларни ейишни хоҳлайсизми?*

***Муҳсин ВАЛИХОНОВ, биология фанлари доктори, профессор (www. halol.org):***

*— Мана ўн-ўн беш йил бўлдики, Америка, Оврўпа бозорларида ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларининг гени ўзгартирилган турлари сотилмоқда. Инсоннинг ошқозон-ичак тизими табиий ёки гени ўзгартирилган маҳсулотни ферментлар орқали таркибий қисмларга парчалаб, керакли қисмини ўзлаштириб, ортиқчасини чиқариб юборади. Демак, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини ҳужайрамиз ҳам назорат қилади. Бундан ташқари, гени ўзгартирилган ва гибрид ўсимликлар муайян фирмаларнинг ўзида кимёвий таркиби, инсон саломатлигига, ирсиятга, атроф-муҳитга таъсири ҳар томонлама ўрганилиб, улардан хавф туғдирмайдиган навлари бозорга тавсия этилади. Тавсия этилган уруғлар айнан шу мамлакатнинг марказлашган илмий шохобчалари назоратидан ўтади. Республикамизга келтирилаётган сабзовот уруғлари божхоналарда ҳам мутахассисларнинг текширувидан ўтиб, мазкур фирманинг Ўзбекистондаги вакиллари томонидан тажриба майдонларига экилиб, синовдан ўтганлари деҳқонга тавсия этилади. Ўзбекистонда худди шундай тизим йўлга қўйилган. Тўғри, ўсимлик мевалари ичида аччиқ, ўта нордон, тахир, заҳарлилари ҳам бўлганидек, ген инженерлиги ва гибрид орқали етиштирилган маҳсулотлар ичида ҳам хавф туғдирадиган навлари чиқиб қолиши табиий ҳол. Бу ҳолда маҳсулотларни назорат қилувчи генетик ташкилотлар хулосаларини тезда эълон қилишлари зарур. Мамлакатимизга четдан, жумладан, Голландиядан келтирилаётган сабзавот уруғларидан ҳозирча воз кеча олмаймиз, чунки маҳаллий сабзовот ва полиз навлари экологик ҳолат ва тупроқ муҳитининг ўзгаргани ҳамда ҳар хил касалликлар кўпайгани туфайли ҳосили жуда пасайиб, рақобатга дош бера олмай қолди. То ўзимизнинг селекциячи, генетик олимларимиз сермаҳсул, касалликка чидайдиган, кўриниши жозибали, рақобатбардош маҳаллий навларни етиштиргунча чет эллардан уруғлар олишга мажбурмиз.*

## ТАЖРИБАЛАР СЎЗЛАЙДИКИ...

Россиялик мутахассислар ГЎМни истеъмол қилиш жиддий аллергик реакциялар пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Масалан, ГЎМ кенг истеъмол қилинадиган АҚШда аҳолининг 70 фоизи аллергиядан азият чекади. Бундай маҳсулотлар тақиқланган Швецияда эса бу кўрсаткич фақатгина 7 фоизни ташкил этади. Бу шунчаки тасодиф эмасдир балки.

ГЎМ истеъмол қилиш оқибатида ошқозон шиллиқ пардаси зарарланади ҳамда ичак микрофлораларининг антибиотикларга чидамлилиги ошади. Бу эса модда алмашинуви бузилиши, иммунитетнинг умумий сусайишига олиб келади, чунки одамнинг 70 фоиз иммунитети ичакларда бўлади.

ГЎМ ракни қўзғаши мумкин. Трансгенлар ичакдаги микроорганизмлар ген аппаратига жойлашиб олиш хусусиятига эга, бу эса мутациядир. Маълумки, айнан ҳужайралар мутацияси ракнинг ривожланишига олиб келади.

ГЎМ юқорида келтирилган зарарли оқибатларни тўғридан-тўғри келтириб чиқармайди, лекин ривожланиш хавфини юзага келтиради.

ГЎМ истеъмол қилишнинг оқибатларини исбот қилиш учун 40-50 йил керак. Бу эса оз фурсат эмас. Демакки, ортиқча муаммо ва танани касалликларга тўлдирмаслик учун озиқ-овқат маҳсулотларини танлашда эҳтиёткор бўлиш зарар қилмайди. Лекин айрим олимлар ГЎМни консервант, ароматизатор ва бўёқлар қўшилган маҳсулотлар билан солиштирганда, деярли зарарсиз эканлигини ҳам таъкидлашмоқда.

Хари Гилберт бошчилигидаги бир гуруҳ Ньюкасл-на-Тайн университети тадқиқотчилари ўтказган тажрибалар жараёнида маълум бўлишича, ГЎ овқат таркибидаги ҳужайралар ДНК йўғон ичаги олиб ташланган одамларнинг ичак микрофлораси бактериялари билан ўзлашади.

— Плазмидлар ва ГЎ қўйилмалар ошқозон-ичак тракти бактериялари, қон, жинсий ва бошқа ҳужайраларга тушиши мумкин, — дейди россиялик биология фанлари доктори Ирина Ермакова. — Мутацияга учраган жинсий ҳужайралардан бошқа турга мансуб бўлган, ўсимлик ҳамда ҳайвон синфининг ҳужайраларига оид бола туғилади.

Хайриятки, вазият ҳали бу даражага етгани йўқ ва бизнинг маккажўхорисимон ёки жабрали бўлиб қолишимиз ҳам эҳтимолдан узоқ. Аммо кўпроқ касалланамиз. Касалланиб бўлдик! Одамлар иммунитети пасайгани ҳақида кўпроқ шикоят қила бошладилар. Уларда онкологик касалликлар ва аллергик реакциялар борган сари кўпроқ учрай бошлади.

1989 йилда АҚШда триптофан (аминокислота) қўшилган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида 37 киши ҳаётдан кўз юмди ва ярим мингта яқини ногирон бўлиб қолди. Маълум бўлишича, ўзгартиришлар натижасида триптофан трансформацияланган ва номи юракни музлатадиган, кишиларнинг касалланиши ва ўлимига сабаб бўлган «этилен-бис-триптофан» номли махлуқ пайдо бўлган.

Ўрни келганда айтиш мумкинки, Буюк Британияда ГЎ маҳсулотларнинг инсон организмига акс таъсири ҳақидаги хабарлар фуқарони даҳшатга солди. Дўконлар таркибига трансген моддалар қўшилган балиқ, сабзавот, мевалар, гўшт маҳсулотларини сотиб олишни ёппасига рад эта бошлади.

## НИМАГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ:**

*— Энг дастлабки омил бу генлар инженерлигига ақл ва фаросат билан, олдинни ўйлаб қўл уриш лозим. Аввало, кўчириб ўтказилаётган бегона геннинг хусусиятлари тўла ўрганилиши керак. Иккинчидан, ҳар қандай трансген организмлар ёки улардан тайёрланган маҳсулотларни сотувга чиқаришдан олдин чуқур лаборатория синовларидан ўтказиш зарур. Айниқса, четдан кириб келаётган озиқ-овқат маҳсулотларини юртимиз бозорларига чиқаришдан олдин лаборатория текширувларидан ўтказиб, бу маҳсулотларга қандай генлар қўйилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар олиниши мақсадга мувофиқдир. Энг муҳим омиллардан яна бири, трансген маҳсулотлар бозорида истеъмолчиларга танлаш имконини бериш учун сотилаётган маҳсулотни «органик» (генетик ўзгартирилмаган) ёки уларнинг трансгенлиги ҳақидаги ёрлиқлар аниқ ва равшан қилиб ёзиб қўйилиши ҳозирги замон талабидир. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчиларнинг трансген маҳсулотлар бўйича савиясини фан даражасидаги тўғри баҳоланган фикрларга таяниб кўтаришни тақозо этади. Буларнинг ҳаммаси ўсиб келаётган ёш авлод генлар инженерлиги каби илғор технологияларнинг ҳақиқий мутахассиси бўлишини талаб қилади. Сабаби, бу бир тарафдан, чуқур билимга эга ёшларимиз халқаро миқёсда генетик ўзгартирилган маҳсулотларга билдирилаётган фикрларни тўғри талқин қилиб, уларнинг халқимизга тўғри етказиб беришларига ҳамда юртимизга кириб келаётган маҳсулотларни фан даражасида тушуниб, уларнинг ҳаққоний назоратини ўрнатишга ёрдам берса, бошқа тарафдан, юртимиз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, халқ ва қишлоқ хўжалиги учун юқори иқтисодий самара берадиган генлар асосидаги илғор технологиялар яратилишини кафолатлайди.*

## МАСЛАҲАТ ЎРНИДА

Ўз соғлиги ҳақида қайғуришга қарор қилганлар учун бир нечта тавсия берамиз.

Таъкидлаш жоизки, ГЎМни фақатгина махсус лабораториядагина аниқлаш мумкин. Буни кўз билан, ҳид орқали ёки ушлаб кўриб билиб бўлмайди. Супермаркетга боришдан олдин, шуни билингки, у ерда сотилаётган 40 фоиз маҳсулот генетик ўзгартирилгандир.

ГЎМ энг кўп колбаса маҳсулотларида учрайди (58 фоизгача), трансгенсиз колбаса ёки сосискани топиш мўъжизанинг ўзи. Айниқса, қайнатилган колбасалар ва сарделка-сосискалар таркибида ГЎ соя кўп миқдорда бўлади. Айтганча, турли ярим тайёр маҳсулотлар — чучвара, чебурек ва блинчик ҳам трансгенларга тўла бўлади.

Бу қанчалик қўрқинчли туюлмасин, лекин болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларидан узоқроқ юринг. Болани кўкрак сути билан озиқлантиринг. Ўз қўлингиз билан тайёрлаган компот номдор фирмаларнинг зарқоғозларга ўралган шарбатларидан минг марта яхшидир.

ГЎМ маҳсулотлар бозори дунёда энг бой — йилига 20 млрд. доллар пул айланади. Бу бозорда учта халқаро ширкат эгалик қилади. ОАВ хабарларига қараганда, шундай фирмалардан бири инглиз олимини ишдан ҳайдади. Сабаби, у каламуш устида олиб борган тадқиқотининг натижаларини эълон қилиб юборган эди. Унга кўра, ирси чатиштирилган картошка билан боқилган каламушда тез-тез ошқозон ўсмаси, эндокрин тизимида бузилишлар ва насл қолдириш масаласида муаммолар пайдо бўлган.

* * *

*Эҳтимол, келажакда ирсият инженерлиги жуда ривожланиб кетар. Лекин бугун у илмдан ҳам кўра кўпроқ тижоратга хизмат қилаяпти. Шундай экан, ирси чатиштирилган маҳсулотлар турли қинғир йўллар билан бизга чегарадан ўтиб келаверади (ўзимизники ҳозирча йўқ). Бундай шароитда уларнинг ёрлиқларига махсус белги қўйиш талаби жуда оқилонадир.*

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,**
**журналист**

Ishonch 2010-yil 18-noyabr № 137 (2862)

# Меҳнат роҳатга айлансин



**Корхонага ишга киришимда таржимаи ҳол ёзиб беришни талаб қилишди. Шу тўғрими?**

Йўқ. Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс паспорт, меҳнат дафтарчасини, ҳарбий билет, дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани тақдим этади. Бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

**Бир ҳафта ишлаб бўшаган кишига меҳнат дафтарчаси бериладими?**

Берилади. Беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчаси тутилиши шарт.

**Меҳнат шартномаси тузмасдан ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқариш мумкинми?**

Йўқ. Ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

**Буйруқ бўлмаса ҳам ходим ишга кириши мумкинми?**

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Ходим шартномада белгилаб қўйилган кундан бошлаб ўзининг меҳнат вазифаларини бажаришга киришмоғи лозим.

**Нима мақсадда синов муддати шарти билан меҳнат шартномаси тузилади?**

Ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш, шартлашилган ишни давом эттиришининг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиш учун.

**Кимларни ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмайди?**

Ҳомиладор, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

**Қанча вақтгача синов муддати белгиланиши мумкин?**

Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

**Дастлабки синов даври меҳнат стажига кирадими?**

Ҳа, киради.

## Қарор ва ижро

***Мамлакатимиз Президентининг тақдимномасига асосан 2010 йил 28 августда Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилинганлиги халқимизга, миллий қадриятларимизга хос юксак бағрикенглик ва кечиримлиликнинг амалдаги ифодаси бўлди.***

# Бағрикенглик ифодаси

Мазкур қарор ижросини изчил таъминлаш мақсадида мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширмоқда. Сирдарё вилоятида жиноят ишлари бўйича вилоят, шаҳар ва туман судлари томонидан яқинда 240 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 550 нафар шахсга амнистия қарори қўлланилди.

— Эҳтиётсизлигим туфайли жиноят содир этдим, — дейди Мирзаобод тумани «Боғистон» маҳалласида яшовчи Ҳабибулло Ҳайдарқулов. — Қарамоғимда вояга етмаган фарзандларим бор. Қилмишимдан пушаймонман. Авф этилганимдан ва оилам бағрига қайтганимдан жуда хурсандман. Эндиликда қилган хатоларимдан тўғри хулоса чиқариб, жамиятимиз равнақига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшаман.

— Амнистия тўғрисидаги қарор юртимизда инсонпарварлик тамойили ҳамиша устувор эканини яна бир бора тасдиқлади, — дейди жиноят ишлари бўйича туман суди раиси Миршариф Мелиев. — Чунки адашган, қилмишидан пушаймон инсонларни кечириш, уларни авф этиш, тўғри йўлни топиб олишларига имкон бериш халқимизга хос юксак фазилатдир.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

***Солиқ кодекси, Адлия вазирлигида рўйхатга олинган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида «Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини камерал назоратдан ўтказиш Тартиби» тасдиқланиб ижро учун қабул қилинган эди. Мазкур Тартиб солиқ органларига топширилган молиявий ва солиқ ҳисоботларини камерал назоратдан ўтказиш ҳамда унинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган.***

## Камерал назорат

# Солиқ қонунчилиги амалда

Солиқ кодексининг 70-моддасига кўра, камерал назорат —молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир. Камерал назорат солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади.

Қонунчиликда белгиланган тартиб асосида Мирзо Улуғбек тумани бўйича бир қатор ишлар ташкил этилган. Жумладан, туманда фаолият кўрсатаётган 5788 та корхона ва ташкилотлардан 4892 таси солиқ тўлаш мажбуриятига эга ҳисобланади. Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан, тақдим этилган ҳисоботлар тўлиқ камерал назоратдан ўтказилмоқда. Ўтказилган камерал назорат натижасида 2846 та корхонада камчилик аниқланиб, шулардан 2731 тасида ҳисоботдаги корхона реквизитлари нотўғри ва тўлиқ тўлдирилмаганлиги ва 115 та корхонада солиқ миқдори нотўғри ҳисобланганлиги натижасида 1 841 300 минг сўм аниқланган ҳамда аниқланган камчиликлар тўлиқ бартараф этилган.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ва уларга киритилаётган қўшимча ҳамда ўзгартиришлар мазмун-моҳиятини солиқ тўловчиларга ОАВ, интернет сайтлари, шунингдек, давра суҳбатлари, семинарлар орқали тарғиб этиш кучайтирилмоқда. Зеро, ислоҳотлар моҳиятини англаган фуқарогина қонунларга тўлиқ амал қилади.

**Н.АШУРОВ,**
**Мирзо Улуғбек туман ДСИ катта давлат солиқ инспектори**

# Изланиш давом этаётир

***Шароит тақозосига кўра, солиқ идоралари ва солиқ тўловчиларнинг ўзаро муносабатларини соддалаштириш ва хизмат самарадорлигини ошириш мақсадида интерактив хизматлардан фойдаланилмоқда. Яқин-яқингача ҳисоботларни топширищда солиқ идораларида соатлаб навбат кутиш каби талай оворагарчиликлар мавжуд эди. Ҳисоботларни электрон шаклда топширишнинг амалиётга кириб келаётгани бунга чек қўймоқда.***



Бугунги кунда солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон тартибда жўнатиш имкониятига эга бўлган корхона ҳамда ташкилотлар сони 70 мингдан ошди. Шунингдек, жисмоний шахслар учун ҳам ушбу хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Мисол учун, икки ёки ундан ортиқ манбадан даромад олувчилар солиқ идораларига электрон декларация топшириши, интернет орқали мол-мулк ва ер солиғи тўлови чиптасини олиши мумкин. Бунда солиқ идорасига мурожаат этмасдан, бевосита банк орқали ҳам тўловни амалга оширса бўлади.

Солиқ ва молиявий ҳисоботларни тўғри топшириш, аввало, бухгалтерия ҳисобини оқилона ва аниқ юритишга боғлиқ. Бу борада солиқ тўловчиларга БЭМ (бухгалтерга электрон мадад) Миллий дастури ёрдамга келмоқда. БЭМ бухгалтерия ҳисобини юритишни тўлиқ автоматлаштирадиган, ўзбек ва рус тилларида бир хилда иш юритиш имконини берадиган кенг қамровли илк миллий дастурдир.

Хорижда яратилган муқобилларидан фарқли ўлароқ унда ишлаш осон, қулай ва ишончли. Унинг бу жиҳатлари мамлакатимизнинг қатор нуфузли идораларида ўтказилган тест синовларида исботини топди. Фаолият туридан қатъи назар, исталган корхона, ташкилот, фирма ва компанияларга мос келади.

Ушбу дастур бозорларда ҳам қўл келмоқда. Жумладан, бозорлардаги автомобиллар тўхташ жойлари, раста, дўкон харидорларга турли хизматлар кўрсатадиган шохобчалардан келадиган тушумларни тўғри қайд этиб бориш, ҳисобини олишда унинг олдига тушадигани йўқ. Бозорлар раҳбарияти эса юритилаётган ҳисоб-китоб тўғрисидаги маълумотларни тўғридан-тўғри олиб туради.

**Янгилик**

Айни пайтда «БЭМ — Бозорлар» версияси Тошкент шаҳридаги барча бозорларда жорий этилди. Келажакда бошқа бозорлар ҳам шак-шубҳасиз унинг хизматидан баҳраманд бўлади.

Яқинда БЭМ дастурининг «БЭМ — Бюджет», «БЭМ —Таълим муассасалари», «БЭМ — Умумбелгиланган солиқлар» версиялари ҳам тайёр бўлди. Айни чоғда улар тест синовларидан ўтказилмоқда. Шунингдек, унинг «БЭМ — Фермер хўжаликлари», «БЭМ — Умумий овқатланиш корхоналари» лойиҳаларини яратиш устида жиддий иш олиб борилаяпти. Хуллас, яқин кунларда изланиш яна бўй кўрсатади.

**Анвар КАРИМОВ,**
**БЭМ лойиҳаси вакили**

# «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

***Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси хонасига минг бир андиша билан кирган Ҳафизанинг дили равшан тортиб чиқди. Шифокор текшируви натижасини эшитгандан буён дили хуфтон эди. «Ҳамкасблар айтганича бор экан, раис ҳақиқатдан ҳам бағрикенг, мурувватли кишига ўхшайди», хаёлидан ўтказди у.***

***Қашқадарё вилоятидаги «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Акбар Маматқулов ана шундай фидойилардан.***

## Билимдон ва жонкуяр

Ҳафизани обдон эшитган касабақўм раисининг кўнгли бўшашиб кетди. Яқиндагина ғайрат билан ишлаб юрган бу соғлом аёлнинг касалланиб қолганини билган, лекин шифокорлар хулосасидан бехабар эди.

Ишдан сўнг қўмита аъзолари тўпланди. Қўмита раиси цех ишчиси Ҳафизанинг аҳволини ҳамкасбларига маълум қилди. Йиғилиш қарорига кўра, иш берувчи номига хат тайёрланди. Лекин катта миқдорда маблағ лозим, бу эса шартномада кўзда тутилмагани сабабли зарурат бўлса, жамоа аъзоларидан пул йиғиш ҳам таклиф қилинди.

Вазиятни тўғри тушунган, касабақўмдан хурсанд бўлган корхона раҳбари Илҳом Норчаев корхона ишчиси Ҳафиза Оромованинг даволаниши учун 1-сонли Республика клиникаси ҳисоб рақамига 5 млн. сўм пул ўтказиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекди. Касаба уюшма аъзоларининг пул йиғиш ҳақидаги ташаббусини корхона ишчи-хизматчилари қўллаб-қувватлади. Эртаси куни кечгача 2 млн. 819 минг сўм нақд пул йиғилди.

— Ҳамкасбларимнинг меҳр-оқибатли эканидан тўлқинланиб кетдим, — дейди касабақўм раиси Акбар Маматқулов ҳаяжонини яширолмай. — Президентимиз айтганидек, йиқилганни суяйдиган, мурувват кўрсатадиган, хайрли, савобли ишларга қодир бўлган халқимиз борлигидан яратганга шукрона айтсак арзийди.

Корхона истиқболи, одамлар манфаати йўлида қайғурадиган, эртанги кунга ишонч билан қарайдиган ҳар бир раҳбар катта режалар, орзу-умидлар билан яшайди. Раиснинг кундалик иш режими зарарли меҳнат шароитида ишлаётган ходимларнинг сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминланишини назорат қилиш, корхонанинг ички қисмида жойлашган 20 га яқин ошхоналардаги аҳволни кўздан кечиришдан бошланади. Раиснинг шахсан келиб, ҳол-аҳвол сўраши ишчи-хизматчиларнинг кайфиятини кўтаради, ходимларнинг масъулиятини оширади.

Акбар корхонанинг пропан-бутан суюлтирилган газ олиниб, идишларга қуйиладиган марказий цехига кириб, вазият билан танишди. Саранжом йўлакларни айланиб чиққач, нефт маҳсулотларини қуйиш ва жўнатиш цехига ўтди. Технологдан аҳволни сўраб-суриштиргач, ходимлар танаффус пайтида истеъмол қиладиган сут, қатиқ кечикаётганини айтишди. У уяли телефондан цех таъминотчисини топиб, сабабини суриштирди. Маҳсулот ортилган машина йўлда эканини билгач, ёрдамчи хўжаликка ўтишни режасига киритиб қўйди.

Газни олтингугурт бирикмасидан тозалаш цехидан чиқиб, хизмат машинасига ўтирди-ю, корхона ҳовлиси тўридаги газни ҳайдаш цехига жўнади. Цехнинг ўтган сменада ишдан чиққан ювиниш хонасидаги ускуна ҳалигача таъмирланмаганини кўриб, таъби бузилди. Телефонда бош механикни топиб, аҳволни билдирди.

Раис ўта зарарли ҳисобланган олтингугурт олиш цехи қурилмаларидаги иш жараёнларини кўздан кечириб чиққанида, вақт тушликка яқинлашиб қолган эди. Иш кабинетидаги хат ва аризаларни кўриб бўлгач, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мусина Қодирова билан боғланди. «Санамлар сарвари» кўрик-танловига тайёргарлик кетаётганини эшитиб, корхонанинг маданият саройига йўл олди.

Ҳақиқий истеъдодлар халқ ичида, деб бежизга айтишмайди. Саҳнага чиққан оддий ишчиларнинг маҳорати профессионал санъаткорларникидан қолишмайди. Мана шу кўрик-танловда ҳам 10 га яқин истеъдод кашф этилди. «Вилоят босқичи ғолибларини албатта корхона касабақўми ҳузуридаги бадиий ансамблга жалб қиламиз» — хаёлидан ўтказди раис. Танлов иштирокчиларининг чиқишларини кўриб, эртага бўладиган вилоят танловида иштирок этишни кўнглига тугиб қўйди.

Тушликдан сўнг бошлиқ ҳузурида бўлиб, маслаҳатлашиб олган касабақўм ёрдамчи хўжалик жойлашган Чуқурсой даштлари томон йўл олди. Бу ерга яқинда корхона маблағи ҳисобидан Украинадан 591 бош зотли қорамол келтирилган эди. Сигирларнинг иқлимга мослашиш муддати деярли ўтди. Говмишларнинг 249 таси туғди, қолганлари туғадиган. Улардан доимий равишда кўз-қулоқ бўлиб туриш лозим.

Маҳаллий шароитга мослашган сигирлардан айни пайтда кунига 5 минг литрга яқин сут соғиб олинаяпти. Корхона ишчи-хизматчилари ёз мавсумида корхона тасарруфидаги «Шўртан қалдирғочи» болалар оромгоҳи учун бериладиган сут-қатиқ маҳсулотлари ёрдамчи хўжалик ҳисобидан қопланаяпти.

Чорва молларининг амалда рентабелли экани маълум бўлгач, улардан олинаётган хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириш кун тартибига қўйилди. Айни пайтда Россия билан шартнома тузилиб, корхона маблағи ҳисобидан Москва шаҳридан 20 тонна сутни қайта ишлаб, 9 хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган мини завод олиб келиб ўрнатилди.

Молларни келтиришдан бошланган жараёнларда касабақўм аъзолари ҳам иштирок этгани сабабли Акбар уларнинг ҳолатини, парваришлаш шароитларини яхши ўрганди. Ёрдамчи хўжаликнинг ишчи-хизматчилар меҳнат шароитини яхшилаш билан боғлиқ эканини ҳисобга олиб, бу ердаги тозалик ва бошқа шароитларни назоратга олган.

Деярли ҳар куни иш вақти тугаши арафасида бўладиган ишлаб чиқариш йиғилишларига касабақўм раиси албатта таклиф этилади. Бу галги йиғилиш бироз дилхиралик билан якунланди. Корхонанинг Таҳам чўлидаги Жанубий тандирча конидаги қудуқлардан бирида бир ишчи жароҳат олган. «Хизмат вазифасини бажариш вақтидаги шикастланиш» деб расмийлаштирилган бу ҳодиса айнан касаба уюшма қўмитаси инспектори томонидан тақдимнома киритилган бўлса-да, лекин ҳозиргача бартараф этилмаган камчилик туфайли содир бўлганди.



Ўтган йиғилишлардан бирида дакки еган «ишимга ҳадеб аралашаверасанми» дегандек ўқрайиб қараган масъуллардан бирининг қиёфаси кўз олдига келди. Иш берувчи — корхона раҳбари касабақўм раисидан айбдорни ишдан бўшатиш ҳақидаги баённомага имзо чекиб, розилик хати беришини сўраганда Акбар маъмурият таклифини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Чунки қонун ҳамма учун баробар. Айбдор ўз жазосини олиши керак. Касабақўм эса меҳнат қонунчилигини бузганларни ҳимоя қилмайди. Оддийгина хато ёки эътиборсизлик бир неча кишининг ҳаётига зомин бўлиши мумкин эди. Касабақўм таклифи билан барча цех ва конларда меҳнат муҳофазасини кучайтириш, бу борадаги тартиб-интизомни бузганларга нисбатан кескин жазо чоралари қўллаш ҳақида корхона раҳбарининг буйруғи эълон қилиниб, жойларга етказилди.

Иш сўнгида раҳбарга эртага болалар оромгоҳига боришини билдириб, корхонадан чиқмоқчи бўлиб турган раис шу ерда турган боғбонни кўриб тўхтади. Акбар илгари ҳам боғбон билан гаплашган, лекин масала охиригача ҳал этилмай қолган эди.

— Мен раҳбар билан гаплашдим, — деди у тўғридаги гулзорга ишора қилиб, таклифингиз маъқул. Кеч куздан гулзор ўрнига ҳавога кўпроқ кислород берувчи ва тез ўсувчи каштан, сосна, сакура, эман каби дарахт ниҳолларини ўтқазамиз. Гулларни ҳар бир йўлак четига экиб чиқамиз.

Ўтган йилги қиш совуғида қуриган дарахтлар ўрнига экилган сарв дарахтлари бир йилда анча кўзга ташланиб қолди. У боғбонга дарахтларга шакл бериш ишларини охирига етказишни тайинлаб, чиқиш йўлаги томон юрди.

Эртаси куни салқинда Яккабоғ тумани Ишкент қишлоғининг баҳаво ҳудудида жойлашган «Шўртан қалдирғочи» болалар оромгоҳига етиб келган касабақўм раиси оромгоҳ директори Жовли Тоғаевни жиғибийрон ҳолда учратди.

— Эски макаронни оромгоҳга ўтказаман деб олиб келишибди, — деди у дарвоза ёнида турган юк машинага ортилган «коробка»ларга ишора килиб. — Алдагани бола яхши, бола ҳамма нарсани истеъмол қилаверади, деб ўйлашса керак-да. Мен болаларимга энг сифатлисидан едираман, ахир 350 нафар ота-она менга фарзандини ишониб топшириб қўйган бўлса...

— Тўғри, — деди Акбар директорнинг гапини маъқуллаб, — худди шундай қилишимиз керак.

У ёшлигидан тўй-байрамларда даврада олишиб, полвон деган ном олган директорнинг гапларидан мамнун бўлди. Ўтган йили «гўштни директор қиммат нархда олаяпти» деган шикоят тушганини эслади. Масалани холис вакиллар билан келиб, шахсан ўзи ўрганганди. Маълум бўлишича, директор тоғда фойдали гиёҳларни еб семирган қўй гўштидан болалар учун овқат тайёрлатар экан.

— Қўй гўшти ўсиб келаётган бола организми учун ниҳоятда фойдали, — деганди у ўшанда сал ранжиган қиёфада. — Нархи қорамолникидан бироз фарқ қилади-да.

Ҳақиқатдан ҳам қўй гўшти шу атрофдаги бозор нархида олинаётган экан. Акбар оромгоҳ ошхонаси ёнидан ўтар экан, ана шу воқеаларни эслаб, жилмайиб қўйди. Кейинги икки йил ичида оромгоҳ бутунлай қайта қурилди. Болалар ётоқхоналари, ошхона, кутубхона, тўгараклар учун мўлжалланган хоналар энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Аввал бир мавсумда 1000 нафар бола дам олдирилган оромгоҳда ҳозир 2000 нафарга яқин бола соғломлаштирилаяпти. Асосан «Шўртаннефтгаз» корхонаси ходимларининг фарзандлари дам олдириладиган оромгоҳда бугунги кунда жуда кўплар дам олишни орзу қилишади. Йўлланмалар қиймати 100 фоиз корхона ҳисобидан қопланаётгани эса нур устига нур бўлаяпти.

Яқинда маъмурият билан касаба уюшма қўмитасининг жамоа шартномаси муҳокамасига бағишланган қўшма йиғилишида куз-қиш фасллари ва эрта баҳорда оромгоҳда зарарли шароитда ишловчи ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш масаласи кўриб чиқилиб, бу масалани ижобий ҳал этиш корхона маъмуриятига таклиф қилинди. Оромгоҳнинг йил давомида ишлаши таъминланиб, кузги-қишки соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилса, ҳар йили 750 нафардан ортиқ ишчи-хизматчининг саломатлиги тикланади.

Корхонада ишловчи 2500 нафардан ортиқ касаба уюшма аъзоси саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиклашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бир йилда спорт-соғломлаштириш ишларига фақат касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 20 млн. сўмдан ортиқ, ходимларнинг саломатликларини тиклашга 285 млн. сўмга яқин маблағ сарфланаяпти. Ҳар йили 1200 нафар ишчи-хизматчи мамлакатимиздаги энг яхши сиҳатгоҳларда, зарарли шароитда ишловчи 20 нафари Россия санаторийларида саломатликларини тиклаб қайтишаяпти.

...Қаршига қайтган касабақўмни йигитлар хушхабар билан кутиб олди: «Шўртан» футбол жамоаси навбатдаги ғалаба нашидасини сурмоқда экан.

Касабақўм раисининг юзи ёришиб, кайфияти кўтарилди. Жамоа сардорини телефон орқали табриклаб, кабинетига кирди.

Вилоятда ислоҳотлар моҳиятини тез илғаб оладиган, билимдон ва ташкилотчи раҳбар сифатида танилган «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси раҳбари Илҳом Норчаев касаба уюшма қўмитаси ҳақида шундай дейди:

— Корхонамиз ҳаётини касаба уюшма қўмитаси иштирокисиз тасаввур эта олмайман. Ижтимоий шеригимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Энг муҳими, касабақўмнинг корхонада ўз ўрни бор. У ходимларга қулай ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби масалаларда намунали фаолият олиб бормоқда.

**Исмат ОЧИЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ходими**

● XVI Осиё ўйинлари

# Юрт байроғини шарафлаб...

*(Боши 1-бетда)*

60 кг. вазнда татамига чиққан ўзбек ўглони ветнамлик Тонг Нат Нуен, макаолик Кин Ваи Вонг, ҳиндистонлик Навжот Чана, Пекин Олимпиадаси чемпиони Чой Мин Хо (Жанубий Корея) устидан ғалаба қозонди. Шундан сўнг Ришод финалда япониялик Хироаки Хираока устидан уч дақиқада соф ғалабага эришиб, Осиё ўйинлари ғолиби бўлди.

Дзю-до бўйича мутлақ вазн тоифасида баҳсларда иштирок этган Ўткир Қурбонов эса филиппинлик Томохико Хошина, покистонлик Ҳусайн Шоҳ, қозоғистонлик Улан Рисқулни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Ўзбек дзюдочилари учун XVI Осиё ўйинлари анча муваффақиятли кечди, десак янглишмаган бўламиз. Чунки 8 вазн тоифасида қатнашган 8 нафар спортчимизнинг барчаси совриндор бўлди: бир олтин, тўртта кумуш, учта бронза медали.

Яна бир вакилимиз халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ҳам рапид (тезкор шахмат) баҳсларида барча рақибларини ортда қолдириб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасини банд этди ва яна бир олтин медал қўлга киритилди.

Яна бир қувонарли воқеа велотрек бўйича ўтказилган мусобақаларда рўй берди. Тўрт йил муқаддам Қатарнинг Доҳа шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритган ҳамюртимиз Владимир Тўйчиев бу гал шахсий натижасини яхшилаб, «Гуанчжоу — 2010» мусобақасининг олтин медалига эга бўлди.

Денис Истомин, Мурод Иноятов, Важа Узоқов ва Фаррух Дўстовдан таркиб топган теннис бўйича Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси Ветнам ва Жанубий Корея спортчиларини 3:0, Япония вакилларини 2:1 ҳисобида енгиб, финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи беллашувда Хитой Тайпейи теннисчиларидан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраган ҳамюртларимиз кумуш медал билан кифояланди.

«Гуанжчоу — 2010» дастуридан жой олган слаломда эшкак эшиш бўйича каноэчиларнинг жуфтлик беллашувларида Алексей Зубарев ва Алексей Наумкин дуэти учинчи натижани қайд этиб, бронза медали соҳиби бўлди.

Таэквондо WTF бўйича мамлакатимиз чемпиони Дмитрий Ким кумуш медални қўлга киритди.

Оғир атлетика бўйича 85 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда қатнашган Мансур Чашемов эса терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги кумуш медални қўшди.

Спорт гимнастикасининг хода устида машқ бажариш тури бўйича ўтказилган яккалик мусобақасида қатнашган Луиза Галиулина 14,350 балл жамғариб, бронза медалига сазовор бўлди.

Сув полоси бўйича Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси ҳам илк маротаба совриндорлар қаторидан жой олди. Ҳамюртларимиз Ҳиндистон терма жамоасига қарши учрашувни 20:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, Осиё ўйинларининг бронза медалига эга бўлди.

Бундан ташқари, боксчиларимиз ҳам мусобақаларга қўшилишди. Улардан ҳам яхши натижалар кутиб қоламиз.





**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

● Хабарлар

## Андижонлик полвонлар ғалабаси

Қозоғистоннинг Остона шаҳрида якунига етган белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионатида андижонлик полвонлар юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Асакалик Азизбек Комилов оғир вазнда (100 кг.) барча рақиблари устидан ғалабага эришиб, олтин медални қўлга киритган бўлса, Оятбек Ҳакимов супер оғир вазнда (+100кг.) бронза медал соҳиби бўлди.

## Муай-тай устаси

Избосканлик муай-тай устаси, жаҳон ва Осиё чемпиони Мавлонбек Қаҳхоров яқинда ниҳоясига етган Ўзбекистон чемпионатида шохсупанинг энг юқорисидан жой олди. Шогирди Шерзодбек Сотқинов ҳам ғалаба нашидасини сурди.

Умуман, ушбу баҳсларда ёш спортчилардан А.Комилов (45 кг.), Д.Абдураҳмонов (51 кг.) кумуш, А.Маматазизов (60 кг.), А.Ҳомидов, М.Раҳмонов, М.Султонов, А.Неъматовлар бронза медалини қўлга киритишди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

● Болалар футболи

***Термиз туманида жойлашган вилоят давлат ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернатлари ўйингоҳи бир ҳафта мобайнида мухлислар билан тўлиб тошди.***

## Яшил майдонда ўспиринлар



Бу ерда республика давлат ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида 14-финал мусобақалари ўтказилди. Унда Наманган шаҳри, Шаҳрихон, Андижон, Пешку, Денов, Сариосиё, Янгибозор, Урганч, Янгийўл, Термиздаги футбол мактаб-интернатларининг тарбияланувчилари иштирок этишди. Баҳслар 1997-1998 йилларда туғилган болалар ўртасида иқтидорлилар кўплигини кўрсатди. Мусобақада 10 та жамоа икки гуруҳга бўлиниб баҳслашди.

Ярим финалда Сурхондарё вилоят мактаб-интернат футбол жамоаси наманганлик тенгдошларидан 2:0, андижонликлар деновликлар устидан 3:0 ҳисобида устун келишди. Учинчи ўрин учун баҳсда Наманган шаҳри жамоаси Денов тумани футболчиларини 3:0 ҳисобида доғда қолдирди. Сурхондарё вилоят ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернати ўқувчилари андижонлик тенгдошларини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, турнир ғолиби бўлишди. Ғолиб жамоа рақиблари дарвозасига 18 та тўп киритиб, энг маҳсулдор жамоа деган номинацияга ҳам эришди.

Шунингдек, Қумқўрғон туманидаги 1-ТИП болалар спорт мажмуаси ва туман «Алпомиш» марказий ўйингоҳларида республикадаги мактаб-интернатларда тарбияланаётган 1995-1996 йилларда туғилган ёшлар ўртасидаги финал учрашувлари ниҳоясига етди. Хива, Ғузор, Янгиер, Жиззах, Ромитан, Навоий, Шофиркон, Қумқўрғон туманлари, Қарши ва Тошкент шаҳарларидаги мактаб-интернатлар жамоаси икки гуруҳга бўлиниб, мусобақалашди. Ярим финалда Тошкент шаҳри вакиллари қаршиликларни 1:0, қумқўрғонлик ўқувчилар шофирконликларни 2:0 ҳисобида енгишди. Финалда Қумқўрғон тумани мактаб-интернат ўқувчилари Тошкент шаҳри вакилларини 1:0 ҳисобида енгиб, мусобақа ғолиби бўлишди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Мерганлар баҳси

***Самарқанд шаҳрида Пневматик қуроллардан нишонга олиш бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳамда пойтахтдан вакиллар иштирок этдилар.***

Пневматик милтиқдан нишонга олиш мусобақаларида (эркаклар бўйича) қатнашган Тошкент вилояти вакили Шокир Набиев барча рақибларини ортда қолдириб 1-ўринни эгаллаган бўлса, 2- ва 3-ўринларни Степан Григорев (Тошкент шаҳри), Тимур Коробов (Самарқанд вилояти)лар эгаллашди. Бу йўналишда аёллар ўртасида кечган баҳсларда эса Мария Филимонова (Тошкент шаҳри) 1-, Олга Глебова (Самарқанд вилояти) 2-, Маргарита Орлова 3-ўринларни банд этишди.

Пневматик пистолетдан масофадан туриб нишонга олиш мусобақаларида қатнашган самарқандлик Александр Шуригин шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этган бўлса, Виктор Музаффаров (Тошкент шаҳри) ва Азиз Эсонбоев (Тошкент вилояти)лар кейинги ўринларни банд этишди. Йўналиш доирасида иштирок этган аёллар ўртасида эса Нилуфар Худойбердиева (Наманган вилояти) рақибаларига ҳеч қандай имконият қолдирмай ғолибага айланган бўлса, Ленара Асанова (Самарқанд вилояти) ва

● Мусобақа



Юлия Дяконова (Сирдарё вилояти)лар 2- ва 3-ўринларни бўлишиб олишди.

Шундай қилиб, якуний ҳисобкитобларга кўра, умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари ғолибликни қўлга киритишди. Самарқанд ва Тошкент вилояти вакиллари эса совриндорлар сафидан жой олишди.

**Ўз мухбиримиз**

● Бадиий гимнастика

***Бухоро вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят Бадиий гимнастика федерацияси ва пойтахтдаги «Гармония-элит» клуби ҳамкорлигида ҳар йили ташкил этиладиган «Мовий гумбаз» турнири нуфузли мусобақага айланиб улгурди.***

# «Мовий гумбаз»



Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 150дан зиёд иштирокчи бу галги беллашувларда қатнашиш учун ташриф буюрди. Мусобақада спортчилар ёш ва маҳоратига кўра алоҳида гуруҳларда куч синашиши турнирнинг ўзига хос жиҳати бўлди.

«Мовий гумбаз»нинг катталар ўртасидаги баҳслари алоҳида қизиқиш уйғотди. Мусобақа қатнашчилари орасида мамлакат ва қитъа чемпионатларида, халқаро турнирларда юқори натижа кўрсатган таниқли бадиий гимнастикачилар ҳам бор эди.

Улар ўртасидаги копток, тасма, халқа, булава, арғамчи машқларидан иборат кўпкураш баҳсларида бухороликлар маҳоратда устунликларини исботлай олдилар. Замира Саноқулова, Сарвина Холиқова ва Ҳусниябону Ғуломова кучли учликни ташкил этишди. Арғамчи билан машқ бажаришда Ҳусниябону Ғуломова 1-ўринни эгаллаган бўлса, 2- ва 3-поғоналар навоийлик Роксана Исмоилова ҳамда мезбон Меҳрангиз Ғуломовага насиб этди. Халқа машқларида Сарвина Холиқова ва Меҳрангиз Ғуломова биринчи ва иккинчи ўринни эгаллашди. Қорақалпоғистонлик Марта Янченко учинчи совриндорга айланди. Копток машқида Замира Саноқулова ғолиб чиқди. Унинг жамоадоши Ҳусниябону Ғуломова иккинчи, навоийлик Роксана Исмоилова эса учинчи натижани кўрсатди.

Кўпкураш баҳсларида 1998 йилда туғилганлар ўртасида Равиля Фатхутдинова (Тошкент), Зарина Неъматова (Бухоро), Алёна Қосимова, 2000 йилда туғилганлар даврасида Сафия Қосимова (Тошкент), Холида Сатимова, Меҳрангиз Ражабова (иккаласи ҳам Бухородан), 2003 йилда туғилган қизлар мусобақасида Ангелина Фокина, Элнора Ширинова (иккаласи ҳам Тошкент шаҳридан) ва бухоролик Алина Ко кучли учликни ташкил қилди.

Гимнастикачиларнинг предметсиз жамоавий машқ бажаришлари анча мураккаб бўлиб, бу ерда қизларнинг мусиқа остида ҳаракатларни уйғун ҳолда ижро этиб, яхлит композицияни намоён қилишлари маҳорат мезони ҳисобланади. Бу борада ҳам «Нафис» клуби вакиллари ўзларини кўрсатдилар. 1997-1999 йилларда туғилган қизлар гуруҳида улар дастлабки икки ўринни эгаллашди. 10 ёшлилар даврасида «Нафис-1» ғолиб чиққан бўлса, «Гармония-элит» (Тошкент) ва «Зафаробод» (Навоий) тегишли равишда иккинчи-учинчи совриндор бўлдилар.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Салим АБДУРАҲМОН

# Тўпорилар

(Ҳикоя)



(Давоми. Боши 134-сонда)

— Қизимизни бузуқ ўғилларингга обермоқчи бўлдиларингми? — дея жанжал кўтаришибди келин томон.

Қий-чув, йиғи-сиғи билан одамлар тарқашибди. Қишлоқда бир гап тарқалса, тилдан-тилга ўтиб пашшадан фил ясашгача боришади. Шов-шувлар болалаб... Э, бу ёғини қўяверинг энди. Минг бир орзу билан келган келин, умидсиз аҳволда уйни тарк этибди. Баҳромнинг икки-уч қариндоши қўл-оёғини боғлаб олиб келамиз деб, шаҳарга отланибди. Ўқишга икки ҳафталардан бери келмаяпти, деган жавобни олишибди. Икки кун катта шаҳардан излаб, тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келишибди.

Биз ҳам ҳаммасини ётиғи билан тушунтирдик. Отасининг юзи бирдан ёришди.

— Демак, шаҳарда хотининг йўқ. Тўғрисини айт.

— Йўқ дедим-ку, ота!

Таёқнинг зарбидан қўрқиб қолган шекилли, отасидан нари қочиб жавоб берди Баҳром.

— Унда нега Нурсулув алдади? Бориб сочини битталаб юламан.

Расул ака ўрнидан қўзғалди. Бир амаллаб жойига ўтирғиздик.

— Боламни бахтсиз қилар бўлди-я. Уни ўлдирсанг, савобга қоласан, — жазавага тушиб бақирарди у.

— Фолига тушмаганда. Ўзи ўша кун кайфиятиям йўқдай эди. Таҳоратсиз бўлганми? — ўзи тенги киши пиқ этиб кулиб юбориб, ҳазилнинг пайти эмаслиги ёдига тушиб қолдими, юзини тескари бурди.

— Сендан одам чиқмади-да, Закир, — кексароқ киши унга ўқрайди.

Бироздан сўнг уйга чўққи соқолли, савлатидан одам ҳуркадиган, оёғида махси, костюм-шимдаги киши узун қўллари билан дўпписини кафтига урганча кириб келди. Расул ака анча жаҳлидан тушган, тарвуз тиликлаётганди.

— Қачон қарама овқатнинг устида келасан. Сени кўрсам иштаҳам бўғилади, — деди у жаҳл билан ва тарвузни нари сурди. Ҳалиги киши хафа бўлиб чиқиб кетса керак, деб қўрқиб турувдик:

— Яхши бўлди емаганинг, ўзим маза қилиб еиман, — дея сурилган тарвузни қўлига олиб, ея бошлади.

— Қолдир, тешиб чиққур.

Иккиси тилик тарвузга талаша кетди. Маза қилиб кулишдик...

Хурсандчилик бошланди. Эртаси кун келинни қайтадан тўй қилиб олиб келдик. Дўстлари табриклаб, Баҳромнинг елкасига шапатиласа, букилиб-букилиб кетади. Ҳалиям кечаси малҳам қўйиб боғлагандик.

Парво қилмасликка уринади. Юзи тиришади...

Тўй тантановор руҳда ўтди. Келин-куёвни чимилдиққа кузатгач, бизнинг ҳам сийимиз битди...

Йўлда қайтаяпмиз. Оз-оз отиб олганмиз: чарчоқ босган, кўзларимиз юмилиб кетади. Машинага шаҳд билан тормоз берилишидан мувозанатимизни йўқотдик. Ойнадан алангладик. Йўлнинг ўртасида икки бобой муштлашаяпти. Бири ҳув ўша йўлда кампирларга гап отган Ҳамдам бобо. Бир-бирининг ёқасидан олиб, кураш тушиб қўяди. Атрофни катта-ю ёш ўраб олган, ажратиш йўқ. Ҳайрон бўлиб кабинадан тушдик.

— Бўш кеманг, Ҳамдам бобо, чил берсангиз остингизга тушади, — дейди ёшгина сариқдан келган бола уларга яқин туриб. Чамаси ҳакам бўлса керак.

— Сиз ҳам бўш кетмангда, Орзуқул бобо, ичига тепганингизда йиқиларди, — дея иккинчисига қарайди тиржайганча у.

Чоллар баттар авж қилади.

Ёнимдаги «садақа қилгич» шаҳарлик ҳамроҳимиз юзини буриштириб минғирлади.

— Ёввойилар!

— Бу қишлоқнинг кекса-ю ёши бола эканда! Ёш боланинг кўнглида кири бўлмайди. Ҳақиқий тоғ одамлари мана шундай бўлади, дўстим! — дея ғурурланганча унга ўгирилдим.

— Кампиримга гап отадиган бўлдингми? Кунингни кўрсатаман, — дейди Орзуқул бобо дегани Ҳамдам бобога.

— Кетворганда ўзиям хотининг, ҳи-ҳи. Узумнинг яхшисини ит емаса сенга тегармиди у, — чалғиб қолган вақтда рақибининг чилидан тупроқ йўлга ағадарилади Ҳамдам бобо.

— Кўнглимнинг кўчасидан... Сенинг хотинингни кўчага қўйиб қўйса итам қарамайди.

— Шунинг учун сенинг хотинингга қарадим-да, — дейди бир қўли билан белини ушлаб қаддини ростлаб, бир қўли билан яктагини қоқиб баттар ҳиринглаганча Ҳамдам бобо.

— Ўтиб кетайлик, — бақиради шофёримиз.

— Қаёққа борасан? — Ҳамдам бобони қўйиб унга юзланади Орзуқул бобо.

— Ўтказиб бўпмиз. Ойнангни тўкиб ташлайман, — Ҳамдам removal бобоям ҳезланади.

Энди улар бир-бири қолиб, шофёрга ташланиб кетишади.

— Уятмасми? Шаҳарлик меҳмонлар олдида-я тағин...

Шофёрнинг гапидан давра жим бўлиб қолади. Ҳамдам бобо жилмайиб ёнимизга келади.

— Болларим, эътибор қилманглар бизга. Ҳазил-ҳузулимиз шунақа. Бу Орзуқул дегани ўта рашкчида. Кампирини ёмон қизғонади. Бўлмаса яқин ўртоғи бўлсам...

— Ўчир овозингни! Шаҳарлик болларимнинг олдида ўзингни кўрсатма. Кампирингга айтиб бир адабингни бердирмасам, Орзуқул отимни бошқа қўяман. Боя йиқитганим камлик қилди, шекилли.

Орзуқул бобо яна унинг ёқасидан олмоқчи бўлади. Баъзилар ўртага тушиб, ушлаб қолишади.

— Болларимизга йўл берайлик. Кейин куч синашаверамиз, — дейди Ҳамдам бобо кулгусини жийиролмай ўртоғига етказмай қочаркан, — майли, болларим, оқ йўл силарга.

Орзуқул бобони кўрсатиб:

— Манавини босиб кетсанглар савобга қолардинглар. Кампирини ҳам қизғонмасди ўшанда...

Қийқириқ кулгу кўтарилади. Орзуқул бобо уни қувлаб кетади. Амаллаб машинамиз ўтиб олади ва йўлга тушамиз. Одамлар тарқала бошлаган, икки чол қувлашганча ортимиздан оқ йўл дегандай қўлларини силкиб қолишади...

— Тўпорилар, ҳақиқий содда тўпорилар, — шерикларимнинг бири қийқириб юборади.

Машина тош йўлдан шаҳар томон ошиқади...

# Дунё ишлари тасодиф эмас

«Тошкент вақти билан соат тўққиз...»

— Тўққиз бўлибди, ҳозир таксига ўтирсам, келишилган вақтда Абдулланинг ишхонасига етиб бораман. Йиғилиш бошлангунча кечаги масалани бафуржа гаплашиб оламиз,— радиодан вақтни эшитган Абдурасул шу фикрни кўнглидан ўтказди ва тезгина уйдан чиқиб кетди.

Бекатда турган таксилардан бирига ўтирди. Манзилига етиб келгач, йўл ҳақини бериш учун костюмининг ички чўнтагига қўлини суқди. Шунда йиғилиш сабаб янги костюм кийганини эслади.

— Э узр, ука, пулимни унутибман. Ҳозир дўстимдан олиб чиқиб бераман.

Аксига олиб, Абдулла йиғилишга эртароқ кетган экан. Ноқулай аҳволга тушган Абдурасул ҳайдовчидан кечирим сўрай бошлади.

— Кечирасиз, биродар, дўстим ҳам кетиб қолибди. Ўзим шу туманда яшайман. Бугун йиғилишим бор эди. Эртага, албатта, пулингизни олиб бориб бераман, — деди.

— Қанақа одамсан, ўзи? Пулинг бўлмаса, таксига чиқиб нима қилардинг?

Ҳайдовчининг сенсираши Абдурасулнинг нафсониятига тегди.

— Ука, ёшим сизникидан анча катта шекилли, сенсираманг. Эртага пулингизни айтган жойингизга олиб бориб бераман. Ҳозир йиғилишим бор эди, деяпман-ку. Бегона идорада қарз сўраб ўтирмай.

— Ҳозир бировга ишонадиган замонмас. Эртага соянгни ҳам топиб бўлмайди.

— Унақа деб ўйламанг, ука, бебурд одам эмасман. Костюмни алмаштирганда пулни олиш эсдан чиқибди.

— Сени қанақалигинг мени қизиқтирмайди. Устингдаги костюмингни ечиб бер гаровга! Пулни олиб келсанг, костюмингни олиб кетаверасан. Биздақа ҳайдовчилар бунақа пўрим костюм киймаймиз. Бўл, ҳозир сен ҳам йиғилишга кечикасан, мен ҳам бир рейсимни қўлдан чиқараман.

Абдурасул ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмагани, ҳайдовчининг олдида мулзам бўлаётганидан орияти қўзиди. Эртани кўролмайдиган, ўзига ҳам ишонмайдиган ҳайдовчига гап уқтиролмай фиғони фалакка чиқса ҳам, ўзини босишга ҳаракат қиларди.

— Ука, йиғилишга кираётгандим. Костюмсиз ноқулай. Тушунинг, илтимос.

— Қулайми, ноқулайми, менга қизиғи йўқ. Таксида юрганингдан кейин пулини тўлаб қўй. Орқангдан йиғилишингга ҳам кираверaман.

Абдурасулнинг бошига қон тепди. Ўзидан ўн ёшлар кичик бўлган ҳайдовчининг ҳурматсизлик қилишидан дили оғриди. У билан айтишиб ўтиришни ўзига эп билмай, устидаги қимматбаҳо костюмини ечиб узатди.

* * *

Кеч кузнинг қоронғу осмонида юлдуз кўринмайди. Абдурасул

**Турмуш чорраҳасида**

ҳорғин ҳолда йиғилишдан чиқиб машинасига ўтирди. Зум ўтмай, шаҳарнинг чароғон кўчалари ортда қолиб, ўзи яшайдиган туман далалари бошланди. Йўлда машина сийраклиги сабаб тезликни оширди. Шу пайт қарсиллаган овоз эшитилди. 30 метрча нарида қарама-қарши йўналишда ҳалокат содир бўлганди. Токи Абдурасул машинадан тушиб йўлни кесиб ўтгунича автоҳалокатга сабаб бўлган «КАМАЗ» ҳайдовчиси машинасига ўтириб, ғойиб бўлди.

«МАТИЗ» эса йўл четидаги зовурга тушиб кетганди. Абдурасул ўйлаб ўтирмай сувга тушди. Совуқдан тиззалари зирқираётганига қарамай, ҳайдовчига ёрдам беришга ошиқди. Минг азобда синган ойнадан ҳайдовчини тортиб чиқарди. Пешонаси ёрилган, икки оёғини босолмаётган ҳайдовчини судраб зовур четига олиб чиқди. Уни орқа ўриндиққа жойлаштиргач, ҳайдовчининг бурнига спирт тутди. Ҳайдовчи қимирлай бошлади. Абдурасул машинасини орқага буриб, шаҳар марказидаги касалхона сари елдириб кетди.

Эртаси куни беморнинг аҳволини билиш учун шифохонага борди. Бемор ёнидаги шеригига баланд овозда гапирарди.

— Кўзига қараса ўлармиди? Кўчада ҳеч ким йўқ эди, бирдан муюлишдан чиқиб қолди, палакат. Ўлиб кетсам нима бўларди? Э шопир бўлган сени... Кимлигини билволай, «Матиз»имни аввалги ҳолига қайтармасин, тирик қолармикин? Ўзи бу дунёда яхши одам қолмади, қочворганини кўрмайсизми, занғарни.

Бу овоз ва ундаги таҳдид Абдурасулга кимнидир эслатди. Бир муддат эшик ёнида туриб қолди.

— Оғайни, дунёда яхши одамлар кўп. Сизни бу ерга олиб келган одам ҳам кўриб кўрмасликка олса бўларди, тўғрими? Ҳадеб нолийверманг, феълингизни кенг қилинг, тирик қолганингизга шукур денг, — деди хонадоши.

— Рост айтасиз, лекин шу «Матиз» билан оилани тебратаётгандим. Бир сўм топаман деб қанча одамга қаттиқ- қуруқ гапирганман. Айниқса, бир пўримнинг дод-войига қарамай устидаги костюмини ечиб олганман. Эртага пулини олиб бораман деганига ишонмаганман. У-ку бир-икки келиб, мени тополмаган. Ўзим ҳам бормадим.

Абдурасул ортига қайтди...

**Дилфуза АБДУЛЛАЕВА**

Тошкент шаҳар савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши «Олмос» ОАЖнинг собиқ раҳбари

**Озод АБДУРАШИДОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ishonch 2010-yil 18-noyabr
№ 137 (2862)





# Болалар —
# Умр ва Ҳаётнинг ўғил-қизлари

«Бола кўтариб турган бир аёл сўради:
— Бизга болаларимиз ҳақида гапиринг.
Авлиё жавоб берди:
«Болаларингиз сизники эмас. Улар Умр, Ҳаётнинг ўғил-қизларидур. Уларни сизлар дунёга келтирасиз, аммо улар сизлар учун дунёга келмайдилар.

Гарчи болаларингиз сизлар билан яшаса ҳам, аммо сизлар билан эмасдир.

Сизлардан болалар меҳрингизни олади, аммо кўнглингизни ва фикрингизни олмайди.

Чунки уларнинг ўз кўнгли, ўз фикри бор.

Сиз уларнинг вужудларига паноҳ(бошпана) берасиз, аммо кўнгилларига эмас.

Чунки болаларнинг кўнгли эртанги кунлардаки, сиз у кунларни тушингизда ҳам кўролмайсиз.

Сиз болаларингизга ўхшашга уринсангиз майли, аммо уларни ўзингизга ўхшатишга уринманг.

Чунки умр орқага қайтмайди ва бугунги кунда тўхтаб қолмайди.

Сиз Аллоҳ қўлидаги камонсиз, болалар камондан учган ўқлардир, улар сиздан узоққа боради.

Сайёд сизнинг камондай қаддингизни қаттиқроқ эгадики, ўқларингиз тез ва узоққа борсин дейди.

Қаддингиз камонини эгаётган Сайёд сиздан хурсанд бўлсин. Шуни ўйланг.

Чунки Сайёд ўқи узоққа учганидан қанчалар хурсанд бўлса, жим турганингиздан ҳам шунча қувонч олади».

Буюк араб шоири Жуброн Халил Жуброннинг Маҳкам Андижоний таржимаси асосида берилган «Донишманд ҳикматлари» дан жой олган болалар ҳақидаги мазкур бадиани мутолаа қилар эканман, «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада» деган ўзбек халқ мақоли ёдимга тушди. Закий халқимиз Жуброн Халилнинг фикрларини бир оғиз сўз билан тасдиқлаётгандек туюлади.

Чиндан ҳам болаларнинг ўз дунёси, ўзи танлаган йўли бор. Улар вояга етганлари ҳамон мисоли қуш каби ота-оналари бағридан ҳаёт бағрига учиб кетишади. Мана шу биринчи парвознинг ўзиёқ уларнинг энди ҳеч қачон ортга қайтмасликларидан дарак беради.

Инсон бу дунёда улуғ ниятлар билан яшайди. Болалар улғайгани сайин уларнинг орзулари ҳам улғайиб катта бир мақсадга айланади. Энди бу мақсадларни рўёбга чиқариш учун катта Ҳаёт остонасига қадам ташлаш керак бўлади. Бунинг учун эса, энг аввало, уларни ўз меҳрибон ота-оналари қўллаб-қувватлашлари, уларни юксак парвоз сари руҳлантириб туришлари керак бўлади. Йўқса, парвоз кўнгилдагидек амалга ошмайди. Зеро, шоир айтганидек:

... Уйида бахтини топмаган одам,
Бахтини топмайди, кезса ҳам олам.

Шундай бўлгач, фарзандларининг қиёфаларида ўзларини кўришга уринаётган ота-оналар, аввало, ҳар бир бола алоҳида такрорланмас бир шахс эканлигини унутмасалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Назира БОЙМУРОДОВА,**
**муаллиф олган суратлар**











**Газетанинг навбатдаги сони 23 ноябр сешанба куни чиқади.**

Insonga naf keltirish - oliy baxt

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир:
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Анвар Юнусов,
Довуд Мадиев
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Жаҳонгир Шарофбоев
(масъул котиб),
Маъмура Адилова,
Нормамат Аллаёров,
Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят мухбирлари:
Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навоий + 99893 725 46 40;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:
Ж.Шарофбоев

Навбатчи:
А.Абдуллаев

Мусаҳҳиҳ:
С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти - 03.40
Топширилди - 05.50

Буюртма Г— 1051

Тиражи: 11004

ISSN 2010-5002

2 3 4 5